

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

17-сон
(829)
2018 йил
30 апрель

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

344. «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ–3680-сон қарори
345. «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ–3682-сон қарори
346. «Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ–3683-сон қарори
347. «Қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 апрелдаги ПҚ–3687-сон қарори

Учинчи бўлим

348. «Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарорининг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 306-сон қарори

Бешинчи бўлим

349. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/21-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-3*)
350. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/22-сон «Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-2*)
351. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/17-сон «Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2788-2*)
352. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/7-сон «Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2004-2*)
353. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/8-сон «Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3002*)
355. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/9-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки то-

монидан микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини текшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2209-2*)

356. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/14-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш) ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2217-2*)

357. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 16 апрелдаги 48-В-8-сон «Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида дилерлик вазифаларини бажаришга доир шартномалар тузиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 525-8*)

358. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/20-сон «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2696-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 21 апрелдан 27 апрелгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

344 Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатимизда экин ерларидан самарали фойдаланиш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқда фуқароларнинг бандлиги ва фаровонлигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, айрим туманларда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ер участкаларидан оқилона фойдаланиш бўйича ишлар ҳолатини ўрганиш натижалари ушбу йўналишдаги фаолиятни ташкил этишни янада такомиллаштириш бўйича аниқ чоралар кўриш зарурлигини кўрсатмоқда.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг бу соҳадаги ваколатларини кенгайтириш ва фаол иштирокини таъминлаш мақсадида:

1. Тегишли ҳудудда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичларидан бири деб ҳисоблансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, қишлоқ хўжалиги вазири ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) раҳбарларига фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгашлари ҳузуридаги фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига комплекс хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини ташкил этиш таъминланмаганлиги қатъий кўрсатиб ўтилсин.

3. Белгилансинки, 2018 йил 1 июлдан:

барча фермер ва деҳқон хўжаликларининг Кенгашга аъзолиги мажбурий, томорқа ер эгалари учун эса ихтиёрий ҳисобланади;

фермер ва деҳқон хўжаликларининг Кенгашда аъзолиги туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раёсати қарорига мувофиқ тугатилиши ер участкасига эгалик қилиш, ундан доимий ёки муддат-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 апрелда эълон қилинган.

ли фойдаланиш ҳуқуқи ёхуд уни ижарага олиш ҳуқуқи бекор бўлиши учун асос бўлади;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари қишлоқ хўжалигида шартнома мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан мониторинг ҳамда жамоат назоратини амалга оширади.

4. Кенгаш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Кенгашга аъзолик бадалларини қўйидагича белгилаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин:

пахта хом ашёси ҳамда донли экинлар етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари учун пахта хом ашёси ҳамда доннинг харид нархидан 0,8 фоиз миқдорда;

бошқа фермер хўжаликлари учун улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган пул маблағларининг 0,5 фоизи миқдорда;

деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари учун Кенгашга аъзолик тўғрисидаги шартномада кўрсатилган миқдорда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кенгаш, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мазкур банд талабларига мувофиқ Кенгашга аъзолик бадалларини ўтказиб бериш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқласин.

5. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

уйма-уй юриш орқали деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини, шу жумладан ерни тайёрлаш, уруғ, кўчат ва дарахтлар экиш, иссиқхоналар қуриш, чорва ва паррандаларни кўпайтириш ҳолатини даврий мониторинг қилиб бориш;

Кенгаш аъзолари — фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига тегишли ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш зарурлиги тўғрисида кўрсатмалар бериш;

туман хокимларига фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг тегишли ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ер қонунчилигига мувофиқ тугатиш зарурлиги тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифлар киритиш.

6. Барча қишлоқ туманларида асосий вазифаси қўйидагилар орқали фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотишда амалий ёрдам кўрсатиш ҳисобланган «Томорқа хизмати» МЧЖлар ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига шартнома асосида зарур моддий ресурслар, шу жумладан, уруғлар, кўчатлар, таралар, техника ва бошқа воситалар етказиб бериш;

ерларни рекультивация қилиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини экиш; суғориш тизимини яратиш ва яхшилаш, сув насослари ўрнатиш, артезиан қудуқлар қазилар ва томчилатиб суғоришни ташкил этиш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва қишлоқ хўжалиги экинларини ички

ва ташқи бозорларда сотиш, шу жумладан уларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва Кенгаш билан биргаликда қишлоқ туманларининг ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда «Томорқа хизмати» МЧЖлар фаолиятини самарали ташкил этишда, шу жумладан бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини белгиланган тартибда ажратиш орқали қўмаклашсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Кенгашнинг юридик шахс мақомига эга бўлган Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

9. Белгилансинки:

а) қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма ишлари жамғармасидан ва Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасидан тегишлича 350 миллиард сўм ҳамда 150 миллиард сўм миқдорида ажратиладиган бир марталик бегараз молиявий ёрдам;

аукцион савдоларида фуқароларга ер участкаларига мерос қилиб қолдирилладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сотишдан тушадиган тушумнинг 10 фоизи;

Жамғармага юклатилган вазифаларни бажариш учун жалб қилинадиган халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг кредитлари (қарзлари) ва грантлари;

Жамғарманинг даромадлари, шу жумладан маблағларни депозит ҳисоб рақамларига жойлаштиришдан олинладиган даромадлар;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарма маблағлари қуйидагилар учун фойдаланилади:

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 3 йил муддатга, шу жумладан 1 йилгача имтиёзли давр билан 2 фоизлик банк маржасини ҳисобга олган ҳолда йиллик 7 фоиз ставкада кредитлар бериш учун «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига ресурслар жойлаштириш;

тижорат банклари орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида 2 фоиз банк маржасини ҳисобга олган ҳолда «Томорқа хизмати» МЧЖ, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бошқа ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, таъминлаш, савдо ташкилотлари ҳамда лизинг компанияларига моддий техника базасини мустақамлаш, қишлоқ хўжалиги техникалари ва транспортларини сотиб олиш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг иссиқхоналарини қуриш учун материаллар ва бутловчи қисмлар харид қилишга кредитлар бериш;

Жамғармани сақлаб туриш ва фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш;

айланма маблағларга муҳтож бўлган «Томорқа хизмати» МЧЖларнинг устав фондини 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда шакллантириш;

фермер, деҳқон хўжаликларига ва томорқа ерларини ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа йўналишлар;

в) Жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитлар ҳудудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан келишилган ҳолда берилади;

г) маблағларни тижорат банкларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадларнинг 30 фоизигача миқдордаги Жамғарма даромадлари Кенгашни моддий-техник ҳамда молиявий жиҳатдан таъминлаш, шунингдек, унинг ходимларини моддий рағбатлантириш учун йўналтирилади.

10. «Ўзбекизоқовқатзахира» ассоциацияси, «Ўзбекизоқовқатхолдинг» холдинг компанияси деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан мазкур қарорга мувофиқ ажратилган кредит маблағлари ҳисобига етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бозор нархлари бўйича харид қилинишини таъминласин.

Белгилансинки, деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ва «Томорқа хизмати» МЧЖлар ўзларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бошқа шахсларга ҳам сотиш ҳуқуқига эга.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Жамғарманинг Васийлик кенгаши, Низоми ҳамда 25 штат бирликдан, шу жумладан 7 та бирлик марказий аппаратда, 18 та бирлик Жамғарманинг ҳудудий вакилларида иборат бўлган Жамғарма ижро этувчи аппарати тузилмасини тасдиқласин.

12. Жамғарма Васийлик кенгаши ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Жамғарма маблағларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиб борсин.

13. Қўйидагилар:

Жамғарма барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан;

«Томорқа хизмати» МЧЖлар давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб мазкур қарорга мувофиқ уларнинг асосий фаолияти доирасида 3 йил муддатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва унинг ҳудудига четдан келтириладиган енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун жиҳозлар, қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда қишлоқ хўжалиги транспорт воситалари белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича 2021 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун тўловлардан ташқари);

«Томорқа хизмати» МЧЖ ёки фермер хўжаликлари билан тузилган

касаначилиқ шартномаси асосида фаолият юритаётган томорқа ер эгалари — жисмоний шахслар уларнинг касаначилиқ фаолияти доирасида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалардан озод қилинсин.

14. Белгилансинки, 2018 йил 1 июлдан:

деҳқон хўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлайётган жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига йилига энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида суғурта бадали тўланган тақдирда, суғурта бадали тўланган йил меҳнат стажига киритилади;

Кенгаш тизимида ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлиқ тўланади;

фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов 5 фоиз миқдорида тўланади.

15. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг қўшимча йўналишлари деб ҳисоблансин:

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар ва суғориш воситалари харид қилиш учун «Томорқа хизмати» МЧЖ, аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази ҳамда томорқа ер эгалари ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар асосида энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробаридан 10 баробаригача бўлган миқдорда субсидиялар бериш;

касб-хунарга ўқитиш марказлари, коллежлар ва олий ўқув юртларида касб-хунарга тайёрлаш, агротехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичилик соҳасида фермер ва деҳқон хўжалиқларининг раҳбарлари ва ишчилари ҳамда томорқа ер эгаларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун грантлар ажратиш.

16. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотлар давлат илмий-техник дастурларини шакллантиришда уларга фермер, деҳқон хўжалиқларининг ер участкалари ва томорқа ерларидан самарали фойдаланиш бўйича инновацион ишланмалар ва замонавий технологиялар ишлаб чиқишни назарда тутувчи илмий лойиҳалар киритилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Кенгаш билан биргаликда бир ой муддатда деҳқон хўжалиқлари ҳамда томорқа ерларини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш учун Жаҳон банки ҳамда бошқа халқаро молия институтларининг кредитлари ва заёмларини жалб этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Ўзагрокимё-химоя» АЖ ва Кенгаш билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

кичик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳамда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерларида мини-агротехнологияларни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот марказини;

республика минтақаларида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари га қишлоқ хўжалиги экинларини касалликлардан ҳимоя қилиш, зарур тавсия ва маслаҳатлар беришга кўмаклашувчи ва хизмат кўрсатувчи «Ўсимликлар клиникаси» МЧЖларни ташкил этиш бўйича таклифлар киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3318-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Кенгаш, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 апрель,
ПҚ–3680-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги
ПҚ-3680-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил
10 октябрдаги ПҚ-3318-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва
томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича
ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига
киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:
«қишлоқ хўжалигида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари иштирокидаги шартномавий мажбуриятларнинг ижросини мониторинг қилиш ва жамоатчилик назоратини».
2. 3-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:
«Бунда даъво аризасини қаноатлантириш рад этилганда манфаати кўзлаб даъво аризаси киритилган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларидан давлат божи ундирилмайди».
3. 5-банд ва 11-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.
4. 1 — 4-иловалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**




**Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
кенгаши ижро аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



Кенгаш ижро аппарати ходимларининг чекланган сони — 44 нафар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги
ПҚ-3318-сон қарорига
3-ИЛОВА


**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер,
деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
кенгашлари ижро аппаратининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Худудий кенгашлар ижро аппарати ходимларининг чекланган сони — 13 — 15 нафар, жами сони — 185 нафар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги
ПҚ-3318-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва
томорқа ер эгалари кенгашлари ижро аппаратининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Туман кенгашлари ижро аппарати ходимларининг чекланган сони — 7–9 нафар, жами сони 1281 нафар».

5. 5-иловага изоҳ қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1-тоифа — ижро аппарати учун 15 та штат бирликларига қадар миқдор белгиланади (худудий кенгаш раиси — 1, худудий кенгаш раиси ўринбосари — 1, бўлим бошлиғи — 3, бош мутахассис — 7, етакчи мутахассис — 2, ҳисобчи — 1);

2-тоифа — ижро аппарати учун 14 та штат бирликларига қадар миқдор белгиланади (худудий кенгаш раиси — 1, худудий кенгаш раиси ўринбосари — 1, бўлим бошлиғи — 3, бош мутахассис — 7, етакчи мутахассис — 1, ҳисобчи — 1);

3-тоифа — ижро аппарати учун 13 та штат бирликларига қадар миқдор белгиланади (худудий кенгаш раиси — 1, худудий кенгаш раиси ўринбосари — 1, бўлим бошлиғи — 2, бош мутахассис — 7, етакчи мутахассис — 1, ҳисобчи — 1)».

6. 6-иловага изоҳ қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1-тоифа — ижро аппарати учун 9 та штат бирликларига қадар миқдор белгиланади (кенгаш раиси — 1, гуруҳ раҳбари — 3, бош мутахассис — 2, етакчи мутахассис — 2, ҳисобчи — 1);

2-тоифа — ижро аппарати учун 8 та штат бирликларига қадар миқдор белгиланади (кенгаш раиси — 1, гуруҳ раҳбари — 3, бош мутахассис — 2, етакчи мутахассис — 1, ҳисобчи — 1);

3-тоифа — ижро аппарати учун 7 та штат бирликларига қадар миқдор белгиланади (кенгаш раиси — 1, гуруҳ раҳбари — 2, бош мутахассис — 2, етакчи мутахассис — 1, ҳисобчи — 1)».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**345 Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларига илмий-амалий тадқиқотлар натижаларини ва ноу-хау ишланмаларни кенг жорий этиш, ушбу йўналишда илмий муассасалар ва реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида яқин ҳамкорликни ўрнатиш мамлакатни жадал инновацион ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шу билан бирга, инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни тўлақонли реализация қилиш, уларни хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш тармоқларига амалий жорий қилишга салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор омиллар мавжуд. Хусусан:

биринчидан, хорижий инновацион ва илмий марказларни, етакчи инвестицион фондларни, технологик агентликларни, технопарклар ва бошқа манфаатдор субъектларни маҳаллий инновацион ишланмаларни амалга оширишда иштирок этишга фаол жалб этиш борасида етарли даражада чора-тадбирлар амалга оширилмаяпти;

иккинчидан, давлат органлари ва хусусий сектор вакиллари, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари иштирокида ишлаб чиқариш жорий этилган ва муваффақиятли қўлланилаётган технологияларни намойиш этиш даражаси пастлигича қолмоқда;

учинчидан, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, инновацион ғоялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш, илғор ва илмий ҳажмдор технологияларни фаол тарқатишнинг самарали тизими мавжуд эмас;

тўртинчидан, республика вилоятлари кесимида илмий ва инновацион фаоллик паст, бир иштирокчининг қайта-қайта жалб этилиши эса, ҳар йилги тақдим қилинадиган инновацион ишланмалар ва маҳаллий амалий тадқиқотларга бўлган буюртмалар портфел тематикаларининг такрорланишига олиб келмоқда;

бешинчидан, технологияларни тижоратлаштириш ва уларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, миллий инновацион тизимни шакллантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш жараёнларига кўмаклашишнинг амалдаги механизмларининг самараси паст ва қутилган натижаларни бермаяпти.

Инновацион инфратузилмани янада шакллантириш, тадбиркорликни, ин-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 апрелда эълон қилинган.

вестицион салоҳиятни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, инновацион ғояларни, технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқариш жараёнига кенг жорий қилиш ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг 2018 йилдан бошлаб ҳар йили хорижий инновацион ва илмий марказлар, инвестицион фондлар, технологик агентликлар, технопарклар ва бизнес-инкубаторларнинг фаол иштирокида халқаро интерактив инновациялар ярмаркаларини (кейинчалик — инновациялар ярмаркалари) ва халқаро инновацион-инвестицион форумларни (кейинчалик — халқаро форумлар) ўтказиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

2. Инновациялар ярмаркалари ва халқаро форумларни ўтказишнинг асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгилансин:

давлат органлари, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари, технопарклар ва хусусий тадбиркорлар, шунингдек иқтисодиётнинг реал секторини академик ва тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари билан етакчи хорижий инвестицион фондлар, инновацион марказлар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари иштирокидаги ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасида ва етакчи хорижий мамлакатларда технологияларни трансфер қилиш жараёнлари, шунингдек реал иқтисодиёт тармоқлари ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ишланмаларни жорий қилишнинг натижалари билан амалий танишиб чиқишни таъминлаш йўли билан маҳаллий инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни тижоратлаштириш учун шароитлар яратиш;

инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш, ички ва ташқи бозорларда жамоат ва хусусий секторлардан илғор ва илмий ҳажмдор технологияларни фаол тарқатиш;

бозор иштирокчилари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, тармоқ корхоналарининг жадал ривожланишига қўмаклашадиган минтақавий ва халқаро алоқаларни ривожлантириш, илмий-тадқиқот муассасалари, хусусий тадбиркорлик ва инвесторлар ўртасида кооперацион алоқаларни кенгайтириш;

халқаро инновацион-инвестицион форумлар, конференциялар, давра суҳбатлар, тренинглар, маҳорат дарслари ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

илмий-тадқиқот, инновацион ва ихтиро ғоялари, технологиялари ва лойиҳаларининг доимий асосда фаолияти амалга ошириладиган ва тўлдириб бориладиган маълумотлар базасини яратиш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, инновациялар ярмаркасини ташкил қилиш тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

биринчи блок «Ташаббускор бизнес» — Ўзбекистон Республикаси ҳамда

илгор хорижий мамлакатларнинг давлат ва хусусий секторлари томонидан маҳаллий ва хорижий технопарклар, технологик агентларнинг тайёр илмий ва инновацион ишланмалар натижаларини ва технологияларни тижоратлаштириш соҳасидаги фаолиятини ёритиш учун ташкил этилган кўргазма майдони;

иккинчи блок «Инновацион ечимлар» — ички ва ташқи бозорларга чиқиш мақсадида давлат ва хусусий илмий муассасалар томонидан макет ва/ёки прототип кўринишида энг зўр маҳаллий илмий ва инновацион ишланмаларни намойиш қилиш;

учинчи блок «Кооперацион алоқалар» — мулоқот ва ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга қўйиш, шерикчилик ва иқтисодиётнинг айрим тармоқлари соҳасидаги долзарб масалаларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган қарорларнинг миқёсини кенгайтириш учун платформа.

4. Белгилаб қўйилсинки:

инновациялар ярмаркаларини ўтказиш жойи «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма комплекси» акциядорлик жамияти (кейинчалик — «Ўзэкспомарказ» АЖ)нинг кўргазма павильонлари ҳисобланади;

инновациялар ярмаркаларини ҳар йили ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестиция бўйича давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилади;

инновациялар ярмаркаларини ўтказишнинг муддати ва даврийлиги Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири томонидан белгиланади.

5. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири зиммасига хорижий инновацион ва илмий марказлар, инвестицион жамғармалар, техник агентликлар, технопарклар ва бизнес-инкубаторларни жалб қилган ҳолда ҳар йилги инновациялар ярмаркалари ва халқаро форумларни юқори даражада ташкил қилиш учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

6. «Ўзэкспомарказ» АЖга инновациялар ярмаркаларининг иштирокчиларига зарурий кўргазма майдонларини ва конференция залларини кўргазмаларни ташкил қилиш ва ярмаркани ўтказиш учун ўрнатилган тарифдан 30 фоизлик чегирма билан тақдим этиши юзасидан тавсия берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, инновациялар ярмаркалари ва халқаро форумларни ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар хўжалик бошқаруви органлари ва йирик давлат корхоналаридаги инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаларининг жами маблағлари 10 фоизи миқдори ҳисобидан қопланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

ҳар йил ўтказиладиган инновациялар ярмаркалари ва халқаро форумларда хорижий инновацион ва илмий-марказлар, инвестицион фондлар, технологик агентликлар, технопарклар, бизнес-инкубаторлар ва бошқа манфаатдор субъектларнинг иштирокини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги талабно-

маларига биноан инновациялар ярмаркалари ва халқаро форумларнинг хорижий мутахассис-иштирокчилари учун кириш визаларини белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда уч ой муддатда ўзида инновациялар ярмаркалари ва халқаро форумларнинг барча амалдаги ва салоҳиятли иштирокчилари тўғрисидаги ахборотлар ҳамда тижоратлаштириш учун тайёр бўлган инновацион ишланмалар ҳақидаги маълумотларни жамлайдиган, доимий янгиланиб турадиган «Инновацияларнинг виртуал ярмаркаси» интерактив Интернет-портали ишлаб чиқилишини ва фаолият юришини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Қосимов ва Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 апрель,
ПҚ-3682-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**346 Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Қишлоқ хўжалиги ва бошқа экинларнинг уруғларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, шунингдек, нав ва уруғлик назорати озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шу билан бирга, бирламчи уруғчилик ва янги, истиқболли навларни синаш билан шуғулланувчи элита-уруғчилик хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари ҳал этилмасдан қолмоқда.

Турли навдаги уруғлар ва репродукцияларни алоҳида йиғиш, шунингдек, уларни сақлаш ва қайта ишлаш шароитларига риоя этилиши устидан лозим даражада назоратнинг мавжуд эмаслиги экин материали сифатининг пасайишига ва ҳосилдорликнинг тушишига олиб келмоқда.

Бундай ҳолларда маркетинг ва ҳуқуқий тартибга солишнинг самарасиз тизими қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг экспортини етарли даражада амалга ошириш имконини бермаяпти, селекция ва бирламчи уруғчиликнинг лозим даражада бўлмаганлиги эса уларни импорт қилиш ҳажмининг ортишига олиб келмоқда.

Уруғчилик соҳасини тубдан такомиллаштириш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларни халқаро бозорларга янада илгари суриш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2018 йил 1 сентябрдан:

битта вилоятда ўнтадан кўп, битта туманда бештадан кўп бошоқли дон экинларининг районлаштирилган навларини, шунингдек, битта вилоятда бештадан кўп, битта туманда иккитадан кўп ғўзанинг районлаштирилган навларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди (синов ўтказиш учун жойлаштириладиган янги навлар бундан мустасно);

бошоқли дон экинлари ва ғўза навларини синовдан ўтказиш муддати икки йилдан, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини синовдан ўтказиш муддати бир йилдан ошмаслиги лозим;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг навларини (бошоқли дон экинлари, ғўза ва картошка уруғлари бундан мустасно) мажбурий рўйхатдан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган Қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрига киритиш тўғрисидаги талаб бекор қилинади;

бошоқли дон экинлари ва ғўзанинг уруғларини экспорт қилиш Ўзбекис-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 апрелда эълон қилинган.

тон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг хулосасига асосан Инновацион ривожланиш вазирлигининг қарори бўйича амалга оширилади, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини экспорт қилиш учун махсус рухсатнома талаб қилинмайди;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини импорт қилганда (бошоқли дон экинлари, гўза ва картошка уруғлари бундан мустасно), агар синовдан ўтказишда қўлланилган талаблар Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган шунга ўхшаш талаблардан паст бўлмаса, аккредитация бўйича халқаро аккредитация ташкилотлари аккредитация қилган хорижий лабораториялар томонидан ўтказилган қишлоқ хўжалиги экинларини синовдан ўтказиш натижалари тан олинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5418-сон Фармонида мувофиқ Гўза уруғчилиги республика маркази ва Бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузурида Уруғчиликни ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар Марказ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан гўза ва бошоқли дон экинларининг уруғларини тайёрлаш, фойдаланиш ва экспорт қилишнинг замонавий тизимини шакллантириш;

маҳаллий ва хорижий селекция навлари, шу жумладан биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва ривожлантириш;

тармоқ корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларининг экиладиган уруғларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича норматив талабларни халқаро стандартлар ва техник регламентларга мувофиқ ишлаб чиқиш;

уруғчилик соҳасида илмий ва тажриба-экспериментал тадқиқотларни олиб боришга, тармоқ корхоналарининг илмий салоҳияти ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қўмаклашиш;

уруғчилик бўйича халқаро ва миллий органлар билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш, уруғларни экишдан олдин ишлов бериш ва қайта ишлашга оид инновацион технологияларни, ушбу соҳадаги ноу-хауларни жорий этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Б.Н. Умаровнинг мамлакатда замонавий уруғчилик тизимини шакллантириш, Марказ, шунингдек, бирламчи уруғчилик, янги ва истиқболли навларни синаш билан шуғулланувчи элита-уруғчилик хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа корхоналарнинг фаолиятини ташкил этишга шахсий жавобгарлиги белгилансин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузури-

даги Уруғчиликни ривожлантириш марказининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Марказ ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирига, зарур бўлганда, Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари ташкилий-штат тузилмаларига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, элита-уруғчилик хўжаликларининг миқдори ва ходимлар сонини оптималлаштириш ҳисобига туман филиалларини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ давлат унитар корхонаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади;

қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини экспорт қилиш уруғчилик хўжаликлари ва корхоналари билан тузилган воситачилик шартномалари асосида Марказ томонидан амалга оширилади;

воситачилик шартномалари бўйича қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини экспорт қилишда воситачилик ҳақи бир фоиздан ошмаслиги лозим;

Марказ директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирати томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

8. Қўйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

кўрсатилаётган хизматлардан, уруғчилик материаллини сотишдан, шу жумладан уни экспорт қилишдан олинган даромадлар;

белгиланган тартибда тўланадиган навли уруғлар учун устама ҳақлардан олинадиган ўтказмалар;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган грант танловлари натижаларига кўра ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Марказ Уставини тасдиқласин ва унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Марказни унинг фаолиятини юқори ва касбий даражада самарали ташкил этишни таъминлашга қодир малакали ходимлар билан тўлдирсин;

Марказни жойлаштириш, уни алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси, компьютер техникаси ва ўзига юклатилган вазифаларни самарали бажариш учун зарур бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминлаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Марказ зиммасига давлат буюртмаси доирасида 2018-2019 йиллар ҳосили учун қиш-

лоқ хўжалиги экинларининг уруғларини тайёрлаш ва жойлаштириш бўйича вазифа ва масъулият юклатилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Фанлар академияси, Интеллектуал мулк агентлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи тадбирлар режасининг Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин:

бренд ва тижоратбоп, шунингдек, дурагай ва лицензияланган навларнинг уруғлик материални етиштириш, қайта ишлаш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи уруғчилик компанияларини, шу жумладан чет эл капитали иштирокида ва давлат-хусусий шериклик асосида компанияларни ташкил этиш;

уруғ тайёрловчи ва етиштирувчи корхоналарда ички сифат назорати тизими ва инновацион технологияларни жорий этиш, шунингдек, халқаро талабларга мувофиқ аккредитация қилинган замонавий лабораторияларни ташкил этиш;

мавжуд маҳаллий ва хорижий селекция навлари коллекцияси асосида юқори ҳосилдорликка, юқори сифатга эга ва касалликларга чидамли устувор қишлоқ хўжалиги экинларининг дурагайлари етиштириш тизимини ташкил қилиш;

қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини лицензиялаш механизмларини, оригинаторлар томонидан корхоналар ва кластерлардан лицензия бўйича олинадиган роялти схемалари ва миқдорларини жорий этиш;

мамлакатда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг тўлиқ инвентаризациясини, уларнинг молекуляр-генетик паспортизациясини (ДНК бар-кодинг) ўтказиш, шунингдек, уларни мамлакатнинг селекция ютуқларини ҳимоя қилиш имконини берувчи Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш халқаро иттифоқида (UPOV) рўйхатдан ўтказилишини амалга ошириш;

уруғчилик хўжаликлари ва уруғлик материални қайта ишлаш цехларининг ўрнатилган нормалар, талаблар, регламентлар ва техник ҳисобларга мувофиқлиги бўйича инвентаризация қилиш;

ғўзанинг селекция навлари патентлари ва муаллифлик гувоҳномаларини (оригинатор ҳуқуқларини) баҳолаш ва уларни ҳар уч йилда қайта тасдиқлаш.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда уруғчилик масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотларга қўшилиши мумкинлиги масалаларини ўрганиб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Р. Холмурадов ва З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ


Тошкент ш.,
2018 йил 27 апрель,
ПҚ-3683-сон

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказининг ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг чекланган сони — 49 та бирлик.
Техник ва ёрдамчи ходимлар сони ўрнатилган нормативларга мувофиқ белгиланади.

**Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги
Уруғчиликни ривожлантириш маркази ҳудудий бошқармаларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг чекланган сони — 10 та бирлик.

Техник ва ёрдамчи ходимлар сони ўрнатилган нормативларга мувофиқ белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**347 Қайта тикланидиган энергия манбалари соҳасида
инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга оид
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасида қайта тикланидиган энергияни ишлаб чиқаришга хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни кенг жалб этиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

«Ўзбекэнерго» АЖ ва «SkyPower Global» компанияси (Кайман ороллари) (кейинги ўринларда — Компания) ўртасида 2018 йил 19 апрель куни электр энергия сотиб олиш тўғрисида 1-сонли Битим (кейинги ўринларда — Битим) тузилди;

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК томонидан жорий ўртача ҳисобда жаҳон конъюнктурасига мувофиқ баҳо белгилаш тўғрисидаги Битим бўйича ижобий ҳулоса берилди;

Битимга мувофиқ Компания шахсий маблағлари ва ўзи жалб этадиган кредитлар эвазига Компаниянинг умумий инвестициялари ҳажми 1,3 млрд АҚШ доллари миқдорида минг (1 000) МВт ўзгарувчан ток умумий қувватидаги фотоэлектр қуёш энергиясини ишлаб чиқариш бўйича объектларни лойиҳалаштириш, молиялаштириш, қуриш, эгалик қилиш ва фойдаланиш лойиҳаларини амалга оширади.

2. Битим амалда бўлган даврда Компания ва унинг лойиҳа ташкилотлари (тегишли ҳудудда ташкил этилаётган шўъба корхоналари), шунингдек, лойиҳани амалга ошириш учун жалб этиладиган субпудрат ташкилотлари:

белгиланган тартибда тасдиқланганидан рўйхатлар бўйича лойиҳани амалга ошириш доирасида, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган янги ускуналар ва материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва узеллар, технологик ҳужжатлар, махсус техника ҳамда транспорт воситалар, дастурий маҳсулотларни олиб киришда божхона тўловлари тўлашдан (божхона йиғимларидан ташқари);

доимий муассасалар, жумладан, тўлов манбаи (дивидендларни ҳисобга олган ҳолда) орқали олинган даромадлар бўйича юридик шахсларнинг фойда солигидан;

Компания, унинг лойиҳа ва субпудрат ташкилотлари томонидан сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) қўшилган қиймат солиғи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 30 апрелда эълон қилинган.

ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтириладиган мажбурий ажратмалар ва йиғимлардан;

Компания ва унинг лойиҳа ташкилотлари — фотоэлектр қуёш энергиясини ишлаб чиқарувчи ускуналар ва қурилмалар бўйича мулк солиғидан, шунингдек, ускуналар ва қурилмалар билан банд этилган ер участкалари ер солиғи тўлашдан озод этилсин.

3. Тошкент, Самарқанд, Навоий, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти ҳокимликлари бир ой муддатда Компания талабномаларига кўра лойиҳани амалга ошириш учун белгиланган тартибда ер участкалари ажратилишини таъминласин.

4. Белгилансинки, Компания томонидан етказиб берилган электр энергияси учун «Ўзбекэнерго» АЖ томонидан электр энергия ҳақини тўлай олмаслик ҳолати юзага келган ҳолда мазкур тўловлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги етказиб берилган электр энергияси учун тўловларни амалга ошириш қисмида «Ўзбекэнерго» АЖ мажбуриятларини бажариш бўйича Компанияга кафолатларни тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган хорижий мутахассисларга консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмаган ҳолда белгиланган тартибда кириш визалари расмийлаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган хорижий мутахассисларга белгиланган тартибда кўп марталик визаларни расмийлаштириш, бериш ва муддатини узайтириш, шунингдек, вақтинчалик рўйхатга қўйиш, яшаш жойида ҳисобга олиш ва рўйхатда туриш муддати узайтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги лойиҳани амалга ошириш учун республикага юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилишга руҳсатномалар беришни (муддатини узайтириш), шунингдек, жалб қилинаётган хорижий мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тасдиқномалар берилишини белгиланган тартибда таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси раиси С.Р. Холмуродов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтегаз» АЖ бошқаруви раиси А.С. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 апрель,
ПҚ-3687-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

348 Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарорининг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон Фармонига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 4 мартдаги 48-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, истисно ҳолларда, 500 нафардан кам аҳоли, лекин камида 100 оила яшайдиган бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда ҳам ташкил этилиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 12-сон, 35-модда) 2-банди учинчи хатбошисининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарор талаблари тегишли туманлар бюджетларининг 2018 йил учун тасдиқланган параметрлари доирасида бажарилишини, 2019 йилдан бошлаб улар бюджетларини шакллантиришда ушбу қарор талаблари инobatга олинишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини муво-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 апрелда эълон қилинган.

фиқлаштириш бўйича республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ш.С. Жавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 апрель,
306-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****349 Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйи-
ладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш
ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сон қарори (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 31 март,
12/21-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
31 мартдаги 12/21-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари капиталининг монандлигига
қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банднинг ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар — «Standard & Poor's», «Fitch Ratings» ва «Moody's Investors Service» рейтинг компанияларининг инвестицион рейтинг баҳоларига ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тан олинган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу баҳоларга тенг бўлган рейтинг баҳоларига эга мамлакатлар;».

2. Қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

«2¹. Мамлакат, банк ёки корхона «Standard & Poor's», «Fitch Ratings», «Moody's Investors Service» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган бошқа рейтинг компанияларининг бир нечаси томонидан берилган рейтинг баҳоларига эга бўлганда, ушбу низом ҳисобкитобларида энг паст рейтинг баҳоси ҳисобга олинади.».

3. 11-бандда:

а) «а» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) банкнинг тўлиқ тўланган оддий акциялари ёки банк акциядорлик жамиятидан бошқа шаклда ташкил этилганда оддий акцияга тенглаштирилган воситалар. Бундай акциялар ёки воситалар қуйидаги шартларни қаноатлантириши лозим:

банк тугатилганда улар бўйича талаблар банкнинг барча талабларидан (депозиторлар ва банкнинг бошқа кредиторлари талаблари, субординар қарз, имтиёзли акциялар ва бошқалар) сўнг қондирилиши;

эгалари банк тугатилганда барча талаблар қондирилгандан сўнг банк ихтиёрида қоладиган активларнинг ўзларига тегишли улушга мувофиқ қисмини олиш ҳуқуқига эга бўлиши;

муддатсиз ва банк тугатилишидан бошқа ҳолатларда тўлаб берилмаслиги, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган қайта сотиб олиш ҳолатлари мустасно;

чиқарилишида банк уни қайта сотиб олиш ёки бекор қилиш бўйича ҳаракат қилмаслиги ҳамда қонуний ва шартномавий талаблар бундай ҳолатни келтириб чиқариш хусусиятларига эга бўлмаслиги;

эмитент ёки унга алоқадор шахслар томонидан кафолатланмаган ва таъминланмаган, шунингдек банк тугатилган тақдирда ҳеч қандай шартнома билан унинг тўлаш навбати (субординацияси) ўзгартирилмаган бўлиши;»;

б) «в» кичик бандда:

биринчи хатбоши «фойда» деган сўздан кейин «(зарар)» деган сўз билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбоши «(текинга олинган мулклар (30905) ва» деган сўзлардан кейин «асосий воситалар ҳамда номоддий активларнинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўтган йиллардаги қопланмаган зарарлар ва жорий йил зарарлари;»;

в) «г» ва «д» кичик бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) озчилик улуш эгаларининг банк йиғма балансига бирлашадиган корхоналардаги улушлари. Бу улуш шўъба корхоналари ҳисобварақлари банк молиявий ҳисоботларида бирлаштирилганда ва банк улуши бундай корхоналар капиталининг 100 фоиздан кам қисмини ташкил қилганда вужудга келади. Бунда ушбу улушлар мазкур банднинг «а» кичик банди иккинчи — олтинчи хатбошиларида белгиланган талабларга жавоб бериши лозим;

д) девальвация захираси. Бу захира сезиларли даражада миллий валютанинг кадрсизланишида (девальвация) банкнинг ўз мажбуриятларини қоплаш учун тақсимланмаган фойда ҳисобидан ажратилган маблағлардан шаклланади.».

4. 12-бандда:

«а» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) тўлик тўланган нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар. Бундай акциялар қуйидаги шартларни қаноатлантириши лозим:

муайян сотиб олиш санаси ёки шартларига эга бўлмаслиги;

эгасининг хоҳишига кўра сотиб олинмаслиги;

банк тугатилганда уларга доир талаблар банк депозиторлари, кредиторлари ва субординар қарзлар бўйича талаблари бажарилгандан сўнг қондирилиши;

эмитент ёки унга алоқадор шахслар томонидан ушбу акциялар бошқа активларга кафолат ва таъминот сифатида қўйилмаган бўлиши;

банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорига мувофиқ уларга доир дивидендлар тўланмаслиги мумкинлиги;

улар бўйича ўтган даврдаги олинмаган дивидендлар тўланмаслиги;

банк фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан олдиндан олинган рухсати билан ва чиқарилганига 10 йилдан кам бўлмаган акциялар ва сотиб олинмаган суммани капиталнинг ўша тури ёки бошқа ундан юқорироқ турига алмаштиргандан сўнг ёхуд банк капиталининг монандлиги капиталга қўйилган минимал талабдан юқори эканлигини кўрсатгандан сўнг, уларнинг сотиб олиниши мумкинлиги;»;

«в» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) I даражали қўшимча капиталга қўшилиш шартларига жавоб берувчи шўъба корхоналари томонидан чиқарилган ва учинчи шахслар ихтиёрида бўлган капиталга тенглаштирилган воситалар, шунингдек мазкур Низомнинг 11-банди «г» кичик бандига киритилмаган озчилик улуш эгаларининг банк йиғма балансига бирлашадиган корхоналардаги улушлари.».

5. 14-банднинг «г» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) субординар қарз — бу банкнинг қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадида ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали капиталнинг учдан бир қисмидан ошмаслиги керак. II даражали капитал таркибига кирувчи субординар қарз қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

гаров таъминотига эга бўлмаслиги;

банк тугатилаётганда ушбу мажбуриятлар бўйича талаблар депозиторлар ва банкнинг бошқа кредиторлари талаблари қондирилганидан сўнг амалга оширилиши;

бошланғич тўлов муддати 5 йилдан кейин бўлиши;

қарздор банк ёки унга алоқадор шахслар томонидан бошқа активларга кафолат ва таъминот сифатида қўйилмаган, шунингдек банк тугатилган тақдирда ҳеч қандай шартнома билан унинг тўлаш навбати (субординацияси) ўзгартирилмаган, яъни банк депозиторлари ва кредиторлари талабларига тенглаштирилмаган бўлиши;

муддатидан аввал Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан қайтарилиши.

Субординар қарзни банкнинг II даражали капитали сифатида тан олиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

бошланғич тўлов муддати етиб келгунга қадар 5 йилдан ошган муддатда — тўлиқ ҳажмда;

бошланғич тўлов муддатидан олдинги 5 йил давомида:

1-йилда — субординар қарз қолдиғининг 80 фоизи;

2-йилда — субординар қарз қолдиғининг 60 фоизи;

3-йилда — субординар қарз қолдиғининг 40 фоизи;

4-йилда — субординар қарз қолдиғининг 20 фоизи;

5-йилда — 0;».

6. 16-бандда:

биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. I даражали асосий капиталдан қўйидагилар чегирилади:»;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

7. 20-бандда:

учинчи хатбоши «ҳисобварақларидаги» деган сўздан кейин «миллий валютадаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«банкнинг Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки гуруҳи (Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия коорпорацияси, Халқаро инвестицияларни кафолатлаш агентлиги, Халқаро тараққиёт ассоциацияси) ҳамда Осиё тараққиёт банки, Осиё инфраструктура инвестиция банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, Европа инвестиция жамғармаси, Ислом тараққиёт банки, Европа Кенгашининг тараққиёт банкларига нисбатан талаблари, шунингдек бу ташкилотлар томонидан кафолатланган банк активлари;»;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мазкур Низомнинг 16-бандида келтирилган активлар.».

8. 21 ва 22-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Минимал таваккалчилик даражасига эга активлар (таваккалчилик даражаси 20 фоиз) қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вакиллик ва захира ҳисобварақларидаги чет эл валютасидаги маблағлар;

«Standard & Poor's», «Fitch Ratings» ва «Moody's Investors Service» компанияларининг мос равишда А, А ва А2 рейтинг даражасидан кам бўлмаган ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тан олинган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу баҳо даражасига тенг бўлган рейтинг баҳоларига эга, таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатларда рўйхатга олинган банкларга қўйилган барча талаблар, шу жумладан қарзлар ва пул бозори воситалари, шунингдек ушбу банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар билан таъминланган бошқа барча активлар;

жорий бозор қийматида баҳоланган ва халқаро молия институтлари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар билан таъминланган активлар ва уларнинг қисмлари;

банкнинг таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатларга кирмаган мамлакатларнинг миллий валюталарига деноминация қилинган ва миллий валютадаги мажбуриятлар билан қопланган, ушбу мамлакатлар Ҳукуматлари ва Марказий банкларига нисбатан талаблари;

жорий бозор қийматида баҳоланган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар Ҳукуматлари томонидан эмиссия қилинган ёки кафолатланган қимматли қоғозлар кўринишидаги гаров билан таъминланган ёки кафолатланган активлар, уларнинг қисмлари ва балансдан ташқари мажбуриятлар. Қимматли қоғозлар банк тасарруфида бўлиши ва белгиланган тартибга мувофиқ унга берилиши лозим. Кафолатлар тўғридан-тўғри ва ҳеч қандай шартларсиз, яъни уларни қўллашни чекловчи бирон-бир қўшимча шартларни ўзида қамраб олмаган бўлиши керак;

ўтказиш жараёнидаги пул ҳужжатлари (жумладан, йўлдаги нақд пуллари).

22. Ўртача таваккалчилик даражасига эга активлар (таваккалчилик даражаси 50 фоиз) қуйидагиларни ўз ичига олади:

«Standard & Poor's», «Fitch Ratings» ва «Moody's Investors Service» компанияларининг мос равишда BBB-, BBB- ва Ваа3 рейтинг даражасидан кам бўлмаган ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу баҳо даражасига тенг бўлган рейтинг баҳоларига эга, таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатларда рўйхатга олинган банкларга қўйилган барча талаблар, шу жумладан қарзлар ва пул бозори воситалари, шунингдек ушбу банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар билан таъминланган бошқа барча активлар;

жисмоний шахсларга бир оилага уй-жой сотиб олиш ёки қуриш учун берилган ва дастлабки гаров (гаров предметига эгалик қилишнинг имтиёзли ҳуқуқи) сифатида сотиб олинаётган ёки қурилаётган уй-жой билан таъминланган кредитлар. Бунда кредит миқдорининг гаров қийматига нисбати 60 фоиздан ошмаслиги керак.».

9. 33-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ялпи даромад = (фоизли даромадлар – фоизли харажатлар) + (фоизсиз даромадлар – фоизсиз харажатлар).».

10. 35-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Капиталнинг консервация буфери таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги барча активларнинг 3,0 фоизи сифатли I даражали капитал бўлишини ҳисобга олган ҳолда K2 коэффиценти 2017 йилнинг 1 январидан 0,095 (9,5 фоиз) ва 2019 йилнинг 1 январидан 0,10 (10,0 фоиз) миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.».

11. 36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. I даражали асосий капиталнинг монандлик коэффиценти $K3 = I$ даражали асосий капитал / ТАУС сифатида аниқланиб, унинг энг кичик миқдори 0,075 (7,5 фоиз)дан кам бўлмаслиги керак.

2019 йил 1 январдан бошлаб K3 нинг энг кичик даражаси 0,08 (8,0 фоиз) миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.».

12. 38-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«K4 = I даражали капитал / (Умумий активлар + мазкур Низомнинг 5 ва 6-бобларидаги активлар – мазкур Низомнинг 16-бандида келтирилган активлар). Левераж коэффицентининг энг кичик даражаси 0,06 (6 фоиз)га тенг.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

350 Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сон қарори (рўйхат рақами 2709, 2015 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 32-сон, 437-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 31 март,
12/22-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
31 мартдаги 12/22-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга
қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**банкнинг ликвидлиги** (бундан буён матнда ликвидлилик деб юри-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 апрелда эълон қилинган.

тилади) — банк активлар ўсишини молиялаштириши ва кўзда тутилмаган (номақбул) йўқотишларсиз мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш имконияти;»;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ликвидли активлар — қиймати бозорда шаклланадиган, бозор қиймати бўйича қисқа муддат ичида уларни сотиб олишга осонлик билан харидор топиладиган, доимий равишда кўзда тутилмаган (номақбул) йўқотишларсиз сотилувчи ва сотиб олинувчи активлар;»;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«йирик қарз (депозит, кредит ва бошқа мажбуриятлар) — ҳажми банк I даражали капиталнинг 5 фоизидан юқори бўлган бир шахс ёки бир-бирига дахлдор шахслар гуруҳига тегишли қарз;

таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар — «Standard & Poor`s», «Fitch Ratings» ва «Moody`s Investors Service» рейтинг компанияларининг инвестицион рейтинг баҳоларига ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тан олинадиган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу баҳоларга тенг бўлган рейтинг баҳоларига эга мамлакатлар.».

2. Қуйидаги мазмундаги 1¹-банд билан тўлдирилсин:

«1¹. Мамлакат, банк ёки корхона «Standard & Poor`s», «Fitch Ratings», «Moody`s Investors Service» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган бошқа рейтинг компанияларининг бир нечаси томонидан тан олинган рейтинг баҳоларига эга бўлганда, ушбу низом ҳисоб-китобларида энг паст рейтинг баҳоси ҳисобга олинади.».

3. 2-бандда:

бешинчи хатбоши «очилган» деган сўздан кейин «вакиллик» деган сўз билан тўлдирилсин;

олтинчи хатбоши «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг» деган сўзлардан кейин «ва Марказий банкнинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбошидаги «қисқа муддатли (7 кунгача)» деган сўзлар «қисқа муддатли (30 кунгача)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар, шунингдек бу мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банкларига бошқа молиявий талаблар;

«Standard & Poor`s», «Fitch Ratings» ва «Moody`s Investors Service» компанияларининг инвестицион рейтинг даражасидан кам бўлмаган ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тан олинадиган бошқа рейтинг компанияларнинг ушбу баҳо даражаларига тенг бўлган рейтинг баҳоларига эга, ривожланган фонд биржалари рўйхатларига киритилган,

таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатларнинг етакчи компаниялари қимматли қоғозлари.».

4. 3-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«мазкур Низомнинг 2-банди тўртинчи хатбошида келтирилган ликвидли активлар, бундан Марказий банкнинг мажбурий захира ҳисобварағидаги маблағлар мустасно;

таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлардаги «Standard & Poor's», «Fitch Ratings» ва «Moody's Investors Service» компанияларининг инвестицион рейтинг даражасидан ёки Марказий банк томонидан тан олинган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу рейтинг даражасига тенг бўлган рейтинг баҳоларига эга банкларга жойлаштирилган ликвидли активлар.».

5. 4-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«таъминот сифатида қўйилмаган ёки хатланмаган бўлиши.».

6. 20-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ликвидлиликини бошқариш учун масъул бўлган таркибий бўлинма томонидан ликвидлилики бўйича стресс шароитларида (бир банкда ёки бутун банк тизимида омонатларнинг оммавий чиқиб кетиши, банк тизимидаги муаммолар, банкнинг банкрот ҳолатига келиб қолиши ва бошқа шу каби ҳолатлар) банк бошқарувига ликвидлилики ҳолати юзасидан ҳисоботларни бир кунда камида икки маротаба тақдим этиши лозим.».

7. 21-банд «ликвидлилики ҳисоботида» деган сўзлардан кейин «камида» деган сўз билан тўлдирилсин.

8. 23-банднинг иккинчи хатбошидаги «имкониятини яратиб бериши» деган сўзлар «тўғрисида огоҳлантириши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 26-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«кейинги 30 календарь кунни учун ликвидлилики прогнози;»;

ўн иккинчи хатбоши ўн учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

10. 36-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«36. Таъминотга эга бўлмаган банклараро кредит битимларини тузганда бир қарздорга тўғри келувчи таваккалчилик меъёрларига амал қилиш керак. Овернайт операциялари бундан мустасно бўлиб, уларнинг энг юқори миқдори банк I даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги лозим.».

11. 43¹-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жорий ликвидлилики коэффицентини аниқлашда банклараро бозорда 30 кунгача жойлаштирилган ёки жалб қилинган депозитлар ва кредитлар соф кўринишда, агар активлар мажбуриятлардан кўп бўлса, ортган сумма жорий активлар таркибига, агар мажбуриятлар активлардан кўп бўлса, ортган сумма жорий мажбуриятлар таркибига қўшилади. Бунда камроқ бўлган актив ва мажбуриятлар суммаси жорий активлардан ҳам, жорий мажбуриятлардан ҳам чегириб ташланади.».

12. 43²-бандда:

биринчи хатбошидаги «ҳисобварағи ва мажбурий захиралар депозитларидаги» деган сўзлар «ҳисобварағидаги» деган сўз билан алмаштирилсин; учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти 10 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.».

13. 45-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Ликвидлилик коэффицентлари ликвидлиликнинг етарлилиги бўйича умумий баҳонинг бир қисми ҳисобланади.».

14. 46-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«46. Ликвидлиликни ҳисоблашда ликвидли активларнинг жами активлардаги улушини, ликвидли активларнинг доимий бўлмаган мажбуриятларидаги улушини ҳисоблаш орқали қўшимча ликвидлилик коэффицентларидан ҳам фойдаланилади.».

15. 47-банддаги «депозитларнинг ажратилган кредитлардаги» деган сўзлар «ажратилган кредитларнинг депозитлардаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 54-банднинг иккинчи хатбошисидаги «банк регулятив капитали» деган сўзлар «жами капитал» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 55-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«балансдан ташқари моддаларнинг 15 фоизи.».

18. 1-иловада:

а) 4-банднинг биринчи ва олтинчи хатбошиларидаги «мажбуриятлар» деган сўз «моддалар» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) 5-банддаги «мажбуриятларни» деган сўз «моддаларни» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

351 Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2788-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ–3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 23 апрелдаги 12/1-сон қарори (рўйхат рақами 2788, 2016 йил 18 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 20-сон, 227-модда) билан тасдиқланган Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 31 март,
12/17-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
31 мартдаги 12/17-сон қарорига
ИЛОВА

**Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбошиси «биржа савдоларини» деган сўзлардан кейин «, шунингдек банклараро пул бозорини ҳамда Марказий банк-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 апрелда эълон қилинган.

нинг тижорат банклари билан амалга ошириладиган кредит ва депозит аукционларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 5-банднинг «в» кичик бандидаги «ваколатли банк» деган сўзлар «тижорат банки» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 6-банднинг «д» кичик банди «операциялари билан шуғулланувчи» деган сўзлардан кейин «ва банклараро пул бозори, шунингдек Марказий банкнинг тижорат банклари билан амалга ошириладиган кредит ва депозит аукционларини ташкил этиш бўйича» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

352 «Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2004-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/8-сон «Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2004, 2009 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 37-сон, 412-модда);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 20 декабрдаги 45/1-сон «Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2004-1, 2014 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 52-сон, 634-модда).

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор 2018 йил 1 июндан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 31 март,
12/7-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**353 Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбу-
рий резервлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3002*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ–5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ–3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор 2018 йил 1 июндан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 31 март,
12/8-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2018 йил 31 мартдаги 12/8-сонли қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий
резервлари тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПК-3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тижорат банклари (бундан буён матнда — банклар деб юритилади) томонидан мажбурий резервларни ҳисоблаш ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида (бундан буён матнда — Марказий банк деб юритилади) депозитга ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
мажбурий резервлар — банклар томонидан Марказий банкда алоҳида очилган ҳисобвараққа мажбурий тартибда миллий валюта ва чет эл валютасида депозитга ўтказилган пул маблағлари;

резерв шакллантириладиган мажбуриятлар — банкларнинг мазкур Низомнинг 1-иловасида рўйхати келтирилган миллий валюта ва чет эл валюталаридаги мажбуриятлари;

мажбурий резервлар нормативи — Марказий банк томонидан банкнинг резерв шакллантириладиган мажбуриятларига нисбатан ўрнатиладиган фоиз миқдори;

мажбурий резервларнинг норматив миқдори — банклар томонидан Марказий банкка ўтказилиши лозим бўлган мажбурий резервлар ҳажми. Мажбурий резервларнинг норматив миқдори резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ҳисоб-китоб давридаги ўртача миқдорига мажбурий резервлар нормативини қўпайтириш орқали ҳисобланади;

ўртачалаш коэффиценти — миллий валютадаги мажбурий резервлар норматив миқдорининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағида сақланадиган ўртачалаштирилган миқдорини аниқлашда фойдаланиладиган қиймати 0 дан 1 гача бўлган коэффицент;

мажбурий резервларнинг ўртачалаштирилган миқдори — банк-

лар томонидан миллий валютадаги мажбурий резервларнинг норматив миқдорига нисбатан ўртачалаш коэффициентини қўллаш орқали ҳисобланган ҳамда банкларнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварақларида сақлаш даври мобайнида сақланиши лозим бўлган ўртача ҳисобдаги пул маблағларининг энг кам миқдори;

Марказий банкка ўтказилиши лозим бўлган мажбурий резерв маблағлари — мажбурий резервларнинг норматив миқдоридан чегириландиган маблағлар ҳамда мажбурий резервларнинг ўртачалаштирилган миқдори чегирилгандаги қолдиқ;

мажбурий резервларнинг ҳисоб-китоб даври — биринчи куни сешанбадан бошланиб, охири куни душанбада тугайдиган ўн тўрт календарь кунидан иборат бўлган мажбурий резервларни ҳисоблаш даври;

мажбурий резервларни сақлаш даври — биринчи куни пайшанбадан бошланиб, охири куни чоршанбада тугайдиган ўн тўрт календарь кунидан иборат бўлган мажбурий резервларни сақлаш даври.

2. Мажбурий резервлар нормативи ҳамда ўртачалаш коэффициенти Марказий банк Бошқаруви қарори билан ўрнатилади ва резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг тури, валютаси ва муддатига боғлиқ бўлади.

3. Бошқа банкларнинг депозитлари резерв шакллантириладиган мажбуриятлар таркибига киритилмайди.

4. Мажбурий резервлар бўйича банкларга фоизлар тўлаш ҳақидаги қарор Марказий банк Бошқаруви томонидан Марказий банкнинг Кредит қўмитаси таклифига асосан республика иқтисодиётидаги вазият, банк тизимидаги ликвидлик ҳолати ва монетар сиёсатнинг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

5. Банкларнинг бошқа давлатлар ҳудудида рўйхатга олинган бўлинмаларининг мажбурий резервларини ҳисоблаш ва депозитга ўтказиш ушбу давлатлар қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

6. Миллий валютадаги мажбуриятлар бўйича мажбурий резервлар миллий валютада Марказий банкдаги резидент банкларнинг мажбурий резерв ҳисобварағига пул ўтказиш ёки Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағида ўртачалаштирилган миқдорни ушлаб туриш орқали шакллантирилади.

Чет эл валютасидаги мажбуриятлар бўйича мажбурий резервлар чет эл валютасида Марказий банкдаги резидент банкларнинг мажбурий резерв ҳисобварағига пул ўтказиш орқали шакллантирилади.

7. Мажбурий резервларни сақлаш даврида миллий валютани чет эл валютасига, чет эл валютасини миллий валютага алмаштиришга рухсат этилмайди.

8. Чет эл валютасидаги маблағларни мажбурий резервларга депозитга ўтказиш АҚШ доллари, евро, Англия фунт стерлинги, Швейцария франки, Япония иенаси ва Хитой юанида ҳисоб-китоб даврининг охири кунда амал қилган Марказий банкнинг расмий курси бўйича кросс курс асосида амалга оширилиши мумкин.

2-боб. Мажбурий резервларни ҳисоблаш ва депозитга ўтказиш

9. Ҳар бир ҳисоб-китоб даврининг тугаши билан банклар томонидан ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда мазкур Низомнинг 3-иловасидаги услубий кўрсатмалар асосида Марказий банкка депозитга ўтказилиши лозим бўлган мажбурий резервлар миқдори ҳисобланади.

Марказий банкка депозитга ўтказилиши лозим бўлган мажбурий резервлар миқдори мажбурий резервлар нормативини резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ҳисоб-китоб давридаги ўртача миқдорига кўпайтириш орқали ҳисобланади.

10. Резерв шакллантириладиган миллий валюта ёки чет эл валютасидаги мажбуриятларнинг ўртача миқдори ҳисоб-китоб даврининг ҳар бир куни учун резерв шакллантириладиган мажбуриятлар ҳисобварақларининг тегишли валютадаги қолдиқларини жамлаш ва ушбу суммани ҳисоб-китоб давридаги календарь кунлари сонига бўлиш орқали аниқланади.

Мажбурий резервларнинг норматив миқдоридан чегириладиган маблағларнинг ўртача миқдори ҳисоб-китоб даврининг ҳар бир куни учун чегириладиган ҳисобварақларининг тегишли валютадаги қолдиқларини жамлаш ва ушбу суммани ҳисоб-китоб давридаги календарь кунлари сонига бўлиш орқали ҳисобланади.

Байрам ва дам олиш кунлари учун ушбу кунлардан олдинги охириги иш кунининг резерв шакллантириладиган мажбуриятлар ҳисобварақларининг баланс қолдиқлари олинади.

11. Мажбурий резервлар ҳисоб-китобини Марказий банкка тақдим қилиш ва қўшимча равишда мажбурий резервлар ҳисобварағига депозитга ўтказиш лозим бўлган суммаларни ўтказиш банклар томонидан ҳисоб-китоб даври тугаган кундан кейинги уч иш куни мобайнида амалга оширилади.

12. Мажбурий резервларга ортиқча маблағлар ўтказилганда, мажбурий резервлар ҳисоб-китоби тақдим этилган кундан кейинги икки иш куни мобайнида, ортиқча маблағлар Марказий банк томонидан банкка қайтарилади.

13. Мажбурий резервлар ҳисоб-китоби банклар томонидан Марказий банкка электрон почта орқали белгиланган тартибда электрон рақамли имзо билан имзоланган ҳолда йўлланиши шарт.

14. Мажбурий резервлар ҳисоб-китоби ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг мазкур Низом талабларига мувофиқлигини текшириш маълумотлар тўлиқлигини, арифметик ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини ҳамда ҳужжатларда қайд қилинган маълумотларнинг банкларнинг ҳисоб-китоб давридаги бухгалтерлик балансига мос келишини аниқлаш орқали амалга оширилади.

Ҳужжатларда яхлитлаш ва алмашув курси ўзгариши натижасида юзага келадиган фарқ бўлишига йўл қўйилади.

15. Кейинги сақлаш даври бошлангунига қадар банкларга Марказий банкка тақдим этилган ҳисоб-китоблар ва ҳужжатларга тузатишлар киритиш имконияти берилади. Тузатиш киритилган ҳисоб-китоблар билан бирга тегишли банк бошқарув раиси томонидан имзоланган тушунтириш хати тақдим этилади.

16. Марказий банкка ўтказилган мажбурий резерв маблағлари банкларда 10309 — «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги мажбурий резерв ҳисобварағи»да ва Марказий банкда 21312 — «Резидент банкларнинг мажбурий резерв ҳисобварағи»да юритилади.

Банкларнинг 10309 — «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги мажбурий резерв ҳисобварағи»даги қолдиқ Марказий банкдаги 21312 — «Резидент банкларнинг мажбурий резерв ҳисобварағи»даги маблағлар қолдиғига тенг бўлиши лозим.

3-боб. Ўртачалаш коэффициентини қўлланилганда мажбурий резервларни ҳисоб-китоб қилиш ва депозитга ўтказиш

17. Марказий банк томонидан ўртачалаш коэффициентини қўллаш ҳуқуқи қуйидаги талабларга жавоб берадиган банкларга берилади:

мажбурий резервларни ҳисоб-китоб қилиш ва Марказий банкдаги депозитга ўтказиш тартибига риоя қилган;

ўтган даврда мажбурий резервларнинг ўртачалаштирилган миқдорини банкларнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварақларида сақлаш бўйича мажбуриятини бажарган.

Мазкур талабларга жавоб бермаган банкларга мажбурий резервлар миқдорига нисбатан ўртачалаш коэффициентини қўллаш ҳуқуқи берилмайди.

18. Марказий банк томонидан банкларга мажбурий резервлар миқдorigа нисбатан ўртачалаш коэффициентини қўллаш ҳуқуқини бериш масаласи уларнинг мурожаатлари асосида уч иш кунида кўриб чиқилади ва банкка хабар берилади.

Ўртачалаш коэффициентини қўллаш ҳуқуқи берилган ҳолларда мазкур ҳуқуқ кейинги сақлаш давридан бошлаб кучга киради.

19. Банклар томонидан мазкур Низомнинг 17-бандида кўрсатилган талаблар бажарилмаган тақдирда Марказий банк томонидан берилган ҳуқуқ бекор қилинади. Мазкур ҳуқуқнинг қайта берилиши масаласи икки ойдан сўнг Марказий банк томонидан банкнинг тегишли мурожаатномаси асосида кўриб чиқилади.

20. Марказий банкка ўтказилиши лозим бўлган мажбурий резерв маблағлари миқдори мажбурий резервларнинг норматив миқдоридан чегириландиган маблағлар ҳамда мажбурий резервларнинг ўртачалаштирилган миқдорини айирган ҳолда аниқланади.

21. Мажбурий резервларни сақлаш даврида ўртачалаш коэффициентини қўллаш ҳуқуқидан фойдаланиш учун банклар мажбурий резервларнинг ўртачалаштирилган миқдорини ҳисоблайди ва Марказий банкка тақдим этади.

Мажбурий резервларнинг ўртачалаштирилган миқдорини ҳисоблаш даври мажбурий резервларнинг ҳисоб-китоб даврига тенг бўлади.

22. Мажбурий резервларни сақлаш даврида банкларнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварақларидаги маблағларнинг ўртача қолдиғи мажбурий резервларнинг ўртачалаштирилган миқдоридан кам бўлмаслиги талаб этилади.

4-боб. Мажбурий резервларни қайта расмийлаштириш ва мажбурий резерв талабларини бажариш мажбуриятини тўхтатиш

23. Банклар қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилган ҳолатларда мажбурий резервлар қайта расмийлаштирилади.

24. Банкни молиявий соғломлаштириш ва банкротлик ҳолатларида, унга вақтинчалик ташқи бошқарув тайинланганда, шунингдек алоҳида банк операцияларини амалга ошириш ёки вакиллик ҳисобварағидаги маблағлардан фойдаланиш бўйича чекловлар ўрнатилганда мажбурий резервларни тартибга солиш амалиёти тўхтатилмайди.

25. Марказий банк томонидан банкнинг банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияси чақириб олинганда банкнинг мажбурий резервлар бўйича талабларни бажариш мажбурияти тўхтатилади.

5-боб. Банклар томонидан резерв талабларининг бажарилиши устидан назорат

26. Банклар томонидан мажбурий резерв талаблари бажарилиши устидан назоратни Марказий банк амалга оширади.

27. Мажбурий резервлар бўйича ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида тақдим этилмаслиги ёки уларнинг нотўғрилиги, сақлаш даврида камомадни қоплаш учун талаб этиладиган маблағларнинг ўтказилмаслиги ва ўртачалаштирилган мажбурий резервлар бўйича мажбуриятнинг бажарилмаслиги мажбурий резерв талабларининг бузилиши ҳисобланади.

28. Банклар томонидан мажбурий резерв талаблари ва мажбурий резервларнинг ўртачалаштирилган миқдорининг тўғри шакллантирилганлиги банкларнинг баланс ҳисоботи асосида Марказий банк томонидан текшириб борилади.

6-боб. Яқуний қоидалар

29. Банк томонидан мазкур Низомда белгиланган талаблар бажарилмаган тақдирда Марказий банк томонидан қатъий тартибда мажбурий резервлар бўйича етишмаётган маблағлар ва мазкур маблағлар ҳажмига нисбатан қайта молиялаш ставкасининг икки бараваридан ошмайдиган миқдорда жарима ундирилади.

30. Марказий банк томонидан банкнинг банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияси чақириб олинган тақдирда Марказий банк уч кунлик муддатда банкнинг тугатиш комиссияси сўровномасига асосан банк мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Марказий банкда депозитга ўтказилган мажбурий резерв маблағларини банкнинг тугатиш комиссияси ҳисобварағига қайтаради.

Тижорат банкларининг Ўзбекистон
Республикаси Марказий банкида депозитга
ўтказиладиган мажбурий резервлари
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида резерв шакллантириладиган мажбуриятлари
РЎЙХАТИ**

| Т/р | Баланс ҳисобварағи рақами | Резерв шакллантириладиган мажбуриятлар номлари |
|-----|---------------------------------|--|
| 1. | 20200 | Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар |
| 2. | 20400 | Жамғарма депозитлар |
| 3. | 20600 | Муддатли депозитлар |
| 4. | 21202 | Бошқарув (менежер) чеклари |
| 5. | 22604 | Мижозларнинг бошқа депозитлари — Жамғарма — Мақсадли |
| 6. | 22608 | Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари |
| 7. | 22610 | «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмалари томонидан тўланадиган пенсия ва нафақалар |
| 8. | 22612 | «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган пул ўтказмалари ва даврий нашрларга обуна |
| 9. | 22613 | Валюта бозорида конвертация қилиш учун мижозларнинг захираланган маблағлари |
| 10. | 22616 | Жисмоний шахсларнинг банк ҳисоб рақамларидаги масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими орқали бошқариладиган маблағлари |
| 11. | 22617 | Пенсионерларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар |
| 12. | 22618 | Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар |
| 13. | 22619 | Якка тартибдаги тадбиркорларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар |
| 14. | 22620 | Корпоратив пластик карточкалар бўйича мажбуриятлар |
| 15. | 22622 | Юридик шахсларнинг ўз ваколатхоналари ва филиаллари таъминоти учун ажратган маблағлари |
| 16. | 22624 | Айрим турдаги акцизли товарларни сотадиган юридик шахсларнинг мақсадли маблағлари |
| 17. | 22626 | Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари |
| 18. | 22630 | Маҳаллий бюджетдан молиялаштирилаётган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланган ижтимоий нафақалар маблағлари |
| 19. | 22632 | Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлинмалари томонидан молиялаштириладиган, нақд пул билан бериладиган пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсациялар ва бошқа тўловлар учун маблағлар |
| 20. | 22634 | Табийий газ учун келиб тушадиган пул маблағларини жамлаш учун ягона махсус ҳисобварақ |

| Т/р | Баланс ҳисобварағи рақами | Резерв шакллантириладиган мажбуриятлар номлари |
|-----|---------------------------|---|
| 21. | 22636 | Электр энергияси учун келиб тушадиган пул маблағларини жамлаш учун ягона махсус ҳисобварақ |
| 22. | 22638 | Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати учун келиб тушадиган пул маблағларини жамлаш учун ягона махсус ҳисобварақ |
| 23. | 22696 | Бошқа депозит мажбуриятлари |
| 24. | 23100 | Мижозларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари |
| 25. | 23402 | Республика бюджетининг маблағлари |
| 26. | 23403 | Божхона тўловлари бўйича Республика бюджетининг даромадлари |
| 27. | 23404 | Республика қарамоғидаги бюджет муассасаларининг маблағлари |
| 28. | 23405 | Нобюджет ташкилотлар ва корхоналар учун республика бюджетидан ажратилган маблағлар |
| 29. | 23406 | Ҳукумат кредитлари бўйича фоизли даромадлар |
| 30. | 23407 | Ягона солиқ тўлови бўйича Республика бюджетининг даромадлари |
| 31. | 23409 | Ер ва ягона ер солиқлари бўйича Республика бюджетининг даромадлари |
| 32. | 23410 | Ҳукумат субсидиялари фонди |
| 33. | 23411 | Давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий ва молиявий санкцияларни тўлаш бўйича маблағлар |
| 34. | 23422 | Капитал қўйилмаларни республика бюджетидан молиялаштириш |
| 35. | 23424 | Капитал қўйилмаларни маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш |
| 36. | 23426 | Маҳаллий бюджет маблағлари — Туман/шаҳар |
| 37. | 23427 | Нобюджет ташкилотлар ва корхоналарнинг туман/шаҳар бюджетидан ажратилган маблағлари |
| 38. | 23430 | Маҳаллий бюджет маблағлари — Вилоят |
| 39. | 23431 | Нобюджет ташкилотлар ва корхоналарнинг вилоят бюджетидан ажратилган маблағлари |
| 40. | 23432 | Маҳаллий бюджет маблағлари — Қорақалпоғистон Республикаси |
| 41. | 23433 | Нобюджет ташкилотлар ва корхоналарнинг Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ажратилган маблағлари |
| 42. | 23442 | Инвестиция дастурларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ва марказлашган кредитлар ҳисобидан ажратилган бўнак маблағлар |
| 43. | 23500 | Мижозларнинг пластик карталаридан келиб тушган тушум |
| 44. | 29801 | Мижозлар билан ҳисоб-китоблар |
| 45. | 29814 | Мижозларнинг ҳисобварақларига кирим қилиниши лозим бўлган терминаллар орқали тушган тушумлар |
| 46. | 29840 | Молия вазирлигига ўтказиладиган талаб қилиб олинмаган депозитлар |
| 47. | 29842 | Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари |
| 48. | 29846 | Талаб қилиб олинмаган бошқа кредит қолдиқлари |

| Т/р | Баланс ҳисобварағи рақами | Резерв шакллантириладиган мажбуриятлар номлари |
|-----|---------------------------|---|
| 49. | 29849 | Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлинмалари томонидан молиялаштириладиган, пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсациялар ва бошқа тўловлар учун бошқа банклардан олинган нақд пул билан бериладиган маблағлар |
| 50. | 29896 | Бошқа мажбуриятлар |

Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий
резервлари тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкга депозитга ўтказилиши
лозим бўлган мажбурий резервлар миқдори
ҲИСОБ-КИТОБИ**

(минг сўмда)

| Т/р | Резерв шакллантириладиган мажбуриятлар | Баланс ҳисобварақлари | Резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ўртача миқдори | | Мажбурий резерв нормативлари, фоизларда | | Мажбурий резервларнинг норматив миқдори | |
|-----|--|------------------------|---|-----------------|---|-----------------|---|-----------------|
| | | | миллий валюта | чет эл валютаси | миллий валюта | чет эл валютаси | миллий валюта | чет эл валютаси |
| | А | Б | В | Г | Д | Е | Ж | З |
| 1. | Юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланган депозитлари | 20200 (минус 20206) | | | | | | |
| 2. | Юридик шахсларнинг жамғарма депозитлари | 20400 (минус 20406) | | | | | | |
| 3. | Юридик шахсларнинг 1 йилгача бўлган муддатли депозитлари | 20600 (минус 20606) | | | | | | |
| 4. | Юридик шахсларнинг муддати 1 йилдан 2 йилгача бўлган муддатли депозитлари | 20600 (минус 20606) | | | | | | |
| 5. | Юридик шахсларнинг муддати 2 йилдан юқори бўлган муддатли депозитлари | 20600 (минус 20606) | | | | | | |
| 6. | Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланган депозитлари | 20206 | | | | | | |
| 7. | Жисмоний шахсларнинг жамғарма депозитлари | 20406 | | | | | | |
| 8. | Жисмоний шахсларнинг 1 йилгача бўлган муддатли депозитлари | 20606 | | | | | | |
| 9. | Жисмоний шахсларнинг муддати 1 йилдан 2 йилгача бўлган муддатли депозитлар | 20606 | | | | | | |

(минг сўмда)

| Т/р | Резерв шакллантириладиган мажбуриятлар | Баланс ҳисобварақлари | Резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ўртача миқдори | | Мажбурий резерв нормативлари, фоизларда | | Мажбурий резервларнинг норматив миқдори | |
|-----|--|--|---|-----------------|---|-----------------|---|-----------------|
| | | | миллий валюта | чет эл валютаси | миллий валюта | чет эл валютаси | миллий валюта | чет эл валютаси |
| | А | Б | В | Г | Д | Е | Ж | З |
| 10. | Жисмоний шахсларнинг муддати 2 йилдан юқори бўлган муддатли депозитлар | 20606 | | | | | | |
| 11. | Бошқарув (менежерлик) чеклари | 21202 | | | | | | |
| 12. | Мижозларнинг бошқа депозитлари | 22600 (минус 22602, 22606, 22614, 22616, 22617, 22618, 22628) | | | | | | |
| 13. | Жисмоний шахсларнинг банк ҳисоб рақамларидаги масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими орқали бошқариладиган маблағлари | 22616 | | | | | | |
| 14. | Пенсонерларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар | 22617 | | | | | | |
| 15. | Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар | 22618 | | | | | | |
| 16. | Мижозларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари | 23100 (минус 23102, 23104) | | | | | | |
| 17. | Юридик шахсларнинг корпоратив пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари | 23102 | | | | | | |
| 18. | Якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари | 23104 | | | | | | |
| 19. | Ҳукуматга тегишли даромад ва бошқа тушумлар ҳисобварақлари | 23400 (минус 23416) | | | | | | |
| 20. | Мижозларнинг пластик карталаридан келиб тушган тушум | 23500 | | | | | | |
| 21. | Мижозлар билан ҳисобкитоблар | 29801 | | | | | | |
| 22. | Мижозларнинг ҳисобварақларига кирим қилиниши лозим бўлган терминаллар орқали тушган тушумлар | 29814 | | | | | | |

(минг сўмда)

| Т/р | Резерв шакллан-тириладиган мажбуриятлар | Баланс ҳисобварақ-лари | Резерв шакллан-тириладиган мажбуриятлар-нинг ўртача миқдори | | Мажбурий резерв нормативлари, фоизларда | | Мажбурий резервларнинг норматив миқдори | |
|-----|---|------------------------|---|------------------|---|------------------|---|------------------|
| | | | миллий валюта | чет эл валю-таси | миллий валюта | чет эл валю-таси | миллий валюта | чет эл валю-таси |
| | А | Б | В | Г | Д | Е | Ж | З |
| 23. | Молия вазирлигига ўткази-ладиган талаб қилиб олин-маган депозитлар | 29840 | | | | | | |
| 24. | Депозит мажбуриятлари — ҳаракатсиз | 29842 | | | | | | |
| 25. | Бошқа кредитлар — талаб қилинмаган қолдиқлар | 29846 | | | | | | |
| 26. | Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлинмалари томонидан молиялаштири-ладиган, пенсиялар, ижти-мой нафақалар, компенса-циялар ва бошқа тўловлар учун бошқа банклардан олинган нақд пул билан бериладиган маблағлар | 29849 | | | | | | |
| 27. | Бошқа мажбуриятлар | 29896 | | | | | | |
| 28. | Резерв шакллан-тириладиган мажбуриятларнинг жами | X | X | X | X | X | | |
| 29. | Нақд пул захираси | 10102 | | X | X | X | X | X |
| 30. | Резерв шакллан-тириладиган мажбуриятлардан чегирила-диган маблағлар айрилган-даги қолдиқ | X | X | X | X | X | | X |
| 31. | Ўртачалаш коэффициенти | | X | X | X | X | X | X |
| 32. | Мажбурий резервларнинг ўртачалаштирилган миқ-дори | X | X | X | X | X | | X |
| 33. | Марказий банкка ўтказили-ши лозим бўлган мажбурий резерв маблағлари | X | X | X | X | X | | X |
| 34. | Ҳисоб-китоб даврида маж-бурий резервларда сақла-наётган маблағлар | 10309 | X | X | X | X | | |
| 35. | Мажбурий резерв ҳисобва-рагига қўшимча равишда депозитга ўтказиш ёки Марказий банк томонидан қайтарилиши лозим бўлган маблағлар | X | X | X | X | X | | |

Банк раҳбари:**Бош бухгалтер:**

Тижорат банкларининг Ўзбекистон
Республикаси Марказий банкида депозитга
ўтказиладиган мажбурий резервлари
тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**«Мажбурий резервларга депозитга ўтказиладиган
маблағлар ҳисоб-китоби» жадвалини тўлдириш бўйича
УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

Умумий кўрсатмалар:

Ҳисоб-китоб электрон почта орқали берилиши лозим.

Жадвал катаклари бўш қолдирилмаслиги керак. Агар ахборот бўлмаса ноль кўрсатилсин.

Ҳисоб-китобда умумий сумма бутунлигича минг сўмда кўрсатилиши лозим. 500 сўм ва ундан кам бўлган сумма ҳисобга олинмайди (чиқариб ташланади), 500 сўмдан ортиқ бўлган сумма минггача яхлитланади.

Ҳисоб-китоб тузишда ҳам мусбат, ҳам манфий суммалар учраши мумкин.

Ҳисоб-китобни тузишда ҳар кунлик баланс ҳисоботи асосида ҳисобланадиган ўртача икки ҳафталик баланс маълумотлари акс этирилиши лозим.

Юридик шахслар учун белгиланган мажбурий резерв нормативлари якка тартибдаги тадбиркорлар учун ҳам қўлланилади.

(В) Устун — Миллий валютадаги резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ўртача икки ҳафталик қолдиғи. Бу устунда миллий валютадаги кўрсатиб ўтилган мажбуриятларнинг ўртача икки ҳафталик қолдиғи кўрсатилиши лозим.

(Г) Устун — Хорижий валютадаги резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ўртача икки ҳафталик қолдиғи. Бу устунда хорижий валютадаги кўрсатиб ўтилган мажбуриятларнинг ўртача икки ҳафталик қолдиғи кўрсатилиши лозим.

(Д) Устун — Миллий валютадаги мажбуриятлар учун мажбурий резерв нормативи. Бу устунда миллий валютадаги мажбуриятлар учун Марказий банк томонидан белгиланган мажбурий резерв нормативлари фоизларда кўрсатилиши лозим.

(Е) Устун — Чет эл валютасидаги мажбуриятлар учун мажбурий резерв нормативи. Бу устунда чет эл валютасидаги мажбуриятлар учун Марказий банк томонидан белгиланган мажбурий резерв нормативлари фоизларда кўрсатилиши лозим.

(Ж) Устун — Мажбурий резервларнинг норматив миқдори. Қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{(Ж) Устун} = \text{(В) Устун} \times \text{(Д) Устун}$$

(3) Устун — Мажбурий резервларнинг норматив миқдори. Қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$(3) \text{ Устун} = (\Gamma) \text{ Устун} \times (\text{Е}) \text{ Устун}$$

1-сатр. Юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари. Бу сатрда 20206 ҳисобварағидаги қолдиғи олиб ташланган ҳолда 20200 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

2-сатр. Юридик шахсларнинг жамғарма депозитлари. Бу сатрда 20406 ҳисобварағидаги қолдиғи олиб ташланган ҳолда 20400 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

3-сатр. Юридик шахсларнинг 1 йилгача бўлган муддатли депозитлари. Бу сатрда 20606 ҳисобварағидаги қолдиғи олиб ташланган ҳолда 20600 баланс ҳисобварағи қолдиғидаги муддати 1 йилгача бўлган депозитлари суммаси кўрсатилади.

4-сатр. Юридик шахсларнинг муддати 1 йилдан 2 йилгача бўлган муддатли депозитлари. Бу сатрда 20606 ҳисобварағидаги қолдиғи олиб ташланган ҳолда 20600 баланс ҳисобварағи қолдиғидаги муддати 1 йилдан 2 йилгача бўлган депозитлари суммаси кўрсатилади.

5-сатр. Юридик шахсларнинг муддати 2 йилдан юқори бўлган муддатли депозитлари. Бу сатрда 20606 ҳисобварағидаги қолдиғи олиб ташланган ҳолда 20600 баланс ҳисобварағи қолдиғидаги муддати 2 йилдан юқори бўлган депозитлари суммаси кўрсатилади.

6-сатр. Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари. Бу сатрда 20206 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

7-сатр. Жисмоний шахсларнинг жамғарма депозитлари. Бу сатрда 20406 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

8-сатр. Жисмоний шахсларнинг 1 йилгача бўлган муддатли депозитлари. Бу сатрда 20606 баланс ҳисобварағи қолдиғидаги муддати 1 йилгача бўлган депозитлари суммаси кўрсатилади.

9-сатр. Жисмоний шахсларнинг муддати 1 йилдан 2 йилгача бўлган муддатли депозитлари. Бу сатрда 20606 баланс ҳисобварағи қолдиғидаги муддати 1 йилдан 2 йилгача бўлган депозитлари суммаси кўрсатилади.

10-сатр. Жисмоний шахсларнинг муддати 2 йилдан юқори бўлган муддатли депозитлари. Бу сатрда 20606 баланс ҳисобварағи қолдиғидаги муддати 2 йилдан юқори бўлган депозитлари суммаси кўрсатилади.

11-сатр. Бошқарув (менежерлик) чеклари. Бу сатрда 21202 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

12-сатр. Мижозларнинг бошқа депозитлари. Бу сатрда 22602, 22606, 22614, 22616, 22617, 22618 ва 22628 ҳисобварақлари қолдиқлари олиб ташланган ҳолда 22600 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

13-сатр. Жисмоний шахсларнинг банк ҳисоб рақамларидаги масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими орқали бошқарилади-

ган маблағлари. Бу сатрда 22616 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

14-сатр. Пензионерларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар. Бу сатрда 22617 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

15-сатр. Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар. Бу сатрда 22618 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

16-сатр. Мижозларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари. Бу сатрда 23102 ва 23104 ҳисобварақлари қолдиқлари олиб ташланган ҳолда 23100 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

17-сатр. Юридик шахсларнинг корпоратив пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари. Бу сатрда 23102 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

18-сатр. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари. Бу сатрда 23104 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

19-сатр. Ҳукуматга тегишли даромад ва бошқа тушумлар ҳисобварақлари. Бу сатрда 23416 ҳисобварағидаги қолдиғи олиб ташланган ҳолда 23400 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

20-сатр. Мижозларнинг пластик карталаридан келиб тушган тушум. Бу сатрда 23500 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

21-сатр. Мижозлар билан ҳисоб-китоблар. Бу сатрда 29801 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

22-сатр. Мижозларнинг ҳисобварақларига кирим қилиниши лозим бўлган терминаллар орқали тушган тушумлар. Бу сатрда 29814 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

23-сатр. Молия вазирлигига ўтказиладиган талаб қилиб олинмаган депозитлар. Бу сатрда 29840 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

24-сатр. Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари — Бу сатрда 29842 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

25-сатр. Талаб қилиб олинмаган бошқа кредит қолдиқлари. Бу сатрда 29846 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

26-сатр. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлинмалари томонидан молиялаштириладиган, пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсациялар ва бошқа тўловлар учун бошқа банклардан олинган нақд пул билан бериладиган маблағлар. Бу сатрда 29849 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

27-сатр. Бошқа мажбуриятлар. Бу сатрда 29896 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

28-сатр. Резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг жами.

Бу сатрнинг (Ж) устунида 1-27 сатрларнинг (Ж) устунидаги маблағларнинг жами ҳамда (З) устунида эса 1-27 сатрларнинг (З) устунидаги маблағларнинг жами кўрсатилади.

29-сатр. Нақд пул захираси. Бу сатрда 10102 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

30-сатр. Резерв шакллантириладиган мажбуриятлардан чегириладиган маблағлар айирилгандаги қолдиқ. Бу сатрнинг (Ж) устуни қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{30-Сатр (Ж) устуни} = \text{28-Сатр (Ж) устуни} \text{ минус} \\ \text{29-Сатр (В) устуни}$$

31-Сатр. Ўртачалаш коэффициенти. Бу сатрнинг (Б) устунида ўртачалаш коэффициенти кўрсатилади.

32-Сатр. Мажбурий резервларнинг ўртачалаштирилган миқдори. Бу сатрнинг (Ж) устуни қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{32-Сатр (Ж) устуни} = \text{30-Сатр (Ж) устуни} \times \\ \text{31-Сатр (Б) устуни}$$

33-Сатр. Марказий банкка ўтказилиши лозим бўлган мажбурий резерв маблағлари. Бу сатрнинг (Ж) устуни қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{33-Сатр (Ж) устуни} = \text{30-Сатр (Ж) устуни} \text{ минус} \\ \text{32-Сатр (Ж) устуни}$$

34-Сатр. Ҳисоб-китоб даврида мажбурий резервларда сақланган маблағлар. Бу сатрда 10309 баланс ҳисобварағининг ҳисоб-китоб даврининг охири санасидаги қолдиғи кўрсатилади.

35-Сатр. Мажбурий резерв ҳисобварағига қўшимча равишда депозитга ўтказиш ёки Марказий банк томонидан қайтарилиши лозим бўлган маблағлар. Бу сатрнинг (Ж) устуни қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{35-Сатр (Ж) устуни} = \text{33-Сатр (Ж) устуни} \text{ минус} \\ \text{34-Сатр (Ж) устуни}$$

Бу сатрнинг (З) устуни қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{35-Сатр (З) устуни} = \text{28-Сатр (З) устуни} \text{ минус} \\ \text{34-Сатр (З) устуни}$$

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

355 «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини текшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2209-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 январдаги ПФ-5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 5 февралдаги 4/4-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини текшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2209, 2011 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 10-11-сон, 111-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 февраль,
7/9-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
24 февралдаги 7/9-сон қарорига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан
микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини
текшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарор муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ–1438-сон «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**».

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ–1438-сон «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Марказий банк томонидан микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини текшириш тартибини белгилайди.»;

б) 3-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**назорат тартибида текшириш** — нобанк кредит ташкилотларининг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан амалга ошириладиган текшириш;»;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) II бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«II. Текшириш ўтказиш»;

г) 8 ва 9-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Нобанк кредит ташкилотларини текшириш масофадан назорат қилиш натижаларидан келиб чиқиб, Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси қарорига асосан ўтказилади.

9. Текширишлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан

нобанк кредит ташкилотларининг молиявий ҳолатини аниқлаш ҳамда уларнинг фаолиятига умумий баҳо бериш мақсадида ўтказилади.»;

д) 10-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Назорат тартибида текшириш Марказий банк ёки унинг ҳудудий бош бошқармасининг фармойиши асосида бир иш куни ичида ўтказилади.»;

е) 11-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«11. Нобанк кредит ташкилотлари фаолияти кўпи билан йилига бир марта текширишдан ўтказилади, қонун ҳужжатларида бошқа муддатлар кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.»;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Текшириш Марказий банкнинг фармойиши асосида ҳар бир нобанк кредит ташкилоти бўйича алоҳида тайинланади.»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ж) 12, 13-бандлар ва III боб ўз кучини йўқотган деб топилсин;

з) 14-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

356 «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш) ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2217-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ–5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 12 мартдаги 8/1-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томони-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 апрелда эълон қилинган.

дан банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш) ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2217, 2011 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 15-сон, 157-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 март,
9/14-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
17 мартдаги 9/14-сон қарорига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан
банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш)
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарор муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**».

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текширув) ўтказиш тартибини белгилади.»;

б) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Банкларда комплекс инспекция (текшириш) масофадан назорат қилиш натижаларидан келиб чиқиб, Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси қарорига асосан ўтказилади.»;

в) 38-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Марказий банкнинг текшириш ўтказувчи таркибий тузилмасига маълумот учун.»;

г) 39-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Марказий банкнинг текшириш ўтказувчи таркибий тузилмасига маълумот учун.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

357 Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида дилерлик вазифаларини бажаришга доир шартномалар тузиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
26 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 525-8*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ–5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1997 йил 4 октябрда 48В-сон билан тасдиқланган Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида дилерлик вазифаларини бажаришга доир шартномалар тузиш тартибига (рўйхат рақами 525, 1998 йил 9 ноябрь) иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға қиради.

Марказий банки раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 16 апрель
48-В-8-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
16 апрелдаги 48-В-8-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида дилерлик
вазифаларини бажаришга доир шартномалар тузиш тартибига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1.2-банддаги, 3.1-банднинг биринчи хатбошисидаги ва 5.6-банддаги «Монетар сиёсат департаментига» деган сўзлар «Монетар операциялар департаментига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4.1-банддаги «Монетар сиёсат департаментининг» деган сўзлар «Монетар операциялар департаментининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 4.2-бандда:

биринчи хатбошидаги «Монетар сиёсат департаменти» деган сўзлар «Монетар операциялар департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаментига» деган сўзлар «Кредит ташкилотлари пруденциал назорати департаментига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 5.4 ва 5.5-бандлардаги «Монетар сиёсат департаменти» деган сўзлар «Монетар операциялар департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 4-иловининг 2-бандидаги «Монетар сиёсат департаментининг» деган сўзлар «Монетар операциялар департаментининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2018 йил 16 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

358 Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2696-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сон қарори (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 28-сон, 374-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 31 март,
12/20-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
31 мартдаги 12/20-сон қарорига
ИЛОВА

Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**активлар** — кредит, микроқарз, овердрафт, лизинг, факторинг, қимматли қоғозлар, инвестициялар, бошқа банклардаги маблағлар, ҳисобланган фоизсиз даромадлар, банкнинг бошқа хусусий мулклари, бўлиб-бўлиб тўлаш шаклида сотилган мулклар, баланسدан ташқари моддалар (чақириб олинмайдиган кредит мажбуриятлари, фойдаланилмаган кредит линиялари, аккредитивлар, кафолатлар) ҳамда ҳисобланган фоизлардан ташқари бошқа барча талаблар;»;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**таъминланмаган активлар** — таъминоти белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган активлар;»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«**ишончли (эътимодли) активлар** — банк ҳисобварағида мунтазам пул оқими мавжуд бўлган, яхши обрў ва кредит тарихига эга қарз олувчиларга таъминотсиз ажратилган активлар.».

2. Қуйидаги мазмундаги 1¹-банд билан тўлдирилсин:

«1¹. Активлар сифатини таснифлаш ва уларни банк балансида акс эттириш банк ва қарздор ўртасида тузилган шартнома шартларини ўзгартирмайди, шу жумладан шартнома шартларига мувофиқ банк томонидан асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни, шунингдек шартнома шартларини бажармаганлиги учун жарима ва пеняларни тўлиқ миқдорда қарздордан ундириш ҳуқуқини бекор қилмайди.».

3. 9 ва 10-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Қарзларнинг ўз муддатида тўланишига шубҳа туғдирмайдиган активлар сифати «стандарт» деб таснифланади. Бунда:

қарз олувчи юридик ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс молиявий жиҳатдан барқарор ҳисобланган, етарли миқдорда капиталга, юқори даромадлилик даражасига ҳамда барча мавжуд мажбуриятларни, жумладан мазкур қарзни қондириш учун етарли пул маблағлари оқимига, шунингдек амалга оширилиши мумкин бўлган стратегик режага, бозорда рақобатдошлик қобилиятига, яхши махсулотни ишлаб чиқаришга ва ўз махсулоти бўйича маркетинг режасига эга бўлиши;

қарз олувчи (биргаликда қарз олувчи) жисмоний шахс барқарор даро-

мад манбаига эга ҳамда даромадлари банкдан олинган кредит ва фоизларни тўлашга етарли, яхши кредит тарихига эга, яъни олдин олган барча кредитлари бўйича тўловларни ва бошқа мажбуриятларни ўз вақтида бажарган бўлиши керак.

Таъминот «яхши таъминланган» кредит мезонларига мос келиши лозим. Жумладан, таъминот турлари нотариал жихатдан тасдиқланган бўлиши (агар қонун ҳужжатларида нотариал тасдиқланиши назарда тутилган бўлса), зарур ҳолларда, тегишли мулк битимини рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатга олинishi, шу жумладан тижорат банкининг гаров мол-мулкига доир ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзув гаров реестрида акс эттирилиши зарур.

Тижорат банки кредит қайтарилмаган ҳолда чекловларсиз ва эркин равишда уни таъминот ҳисобидан ундириб олишга ҳақли. Таъминотга доир тақдим этилаётган барча ҳужжатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилиши лозим. Бундан ишончли (эътимодли) активлар мустасно бўлиб, уларнинг асосий қарзи ва фоизлари бўйича муддати ўтган қарздорликлари мавжуд бўлмаса, бундай активлар сифати «стандарт» деб таснифланади.

10. Сифати «стандарт» деб таснифланган активлар қайтарилишида муаммолар кузатилмайди.

Қарздор томонидан охириги 180 кунда активларнинг асосий қарзи ва (ёки) фоизлари бўйича муддати 30 кунгача кечиктирилган ягона ҳолат мавжуд бўлса, ушбу активлар сифати «стандарт» деб таснифланади, ишончли (эътимодли) активлар бундан мустасно.

Бунда шартлари қайта кўрилган активлар сифати «стандарт» деб таснифланиши мумкин эмас.».

4. 11-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Стандарт активларга яратиладиган захиралар тижорат банклари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг қолган соф фойда ҳисобидан мазкур Низом кучга кирган кундан кейин ажратилиб, ҳисобот санасига сифати «стандарт» деб таснифланган активлар қолдиғидан келиб чиққан ҳолда банк фойдасини тақсимлаш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ ташкил қилинади.».

5. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Қарздорнинг молиявий ҳолати барқарор ҳисобланган, лекин айрим салбий ҳолатлар ёки тенденциялар мавжуд бўлиб, агар улар бартараф этилмаса, молиялаштирилган лойиҳанинг амалга ошишига ёки қарздорнинг активни ўз вақтида тўлаш қобилятига нисбатан шубҳа пайдо бўлиши мумкин бўлган активлар сифати «субстандарт» деб таснифланади.

Қуйида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлса, активларнинг сифати «субстандарт» деб таснифланади:

молиявий ҳолати ёки таъминотни назорат қилиш борасида шубҳалар бўлса;

кредит ҳужжатларида етарлича ахборот ёки таъминот бўйича ҳужжатлари бўлмаса;

қарздорнинг 2-сон картотекаси мавжуд бўлиб, ундаги тўлов ҳужжатларининг муддати 30 кундан ошмаган бўлса (фаолияти мавсумий хусусиятга эга қарздорлар бундан мустасно);

охирги 180 кун ичида активларнинг асосий қарзи ва (ёки) фоизлари бўйича муддати 30 кунгача кечиктирилган бир нечта ҳолатлар мавжуд бўлса; ишончли (эътимодли) активларнинг асосий қарзи ва фоизлари бўйича 30 кундан ошмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

таъминланган активлар бўйича асосий қарз ва фоизлар бўйича 30 кундан ортиқ, лекин 90 кундан ошмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса.».

6. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Қуйида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлса, активларнинг сифати «қониқарсиз» деб таснифланади:

асосий тўлов манбалари қарз тўлаш учун етарли бўлмаса, таъминотга қўйилган мулкни ва қарз олувчининг бошқа асосий воситаларини сотиш, тўланиши лозим бўлган қарзларни узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча тўлов манбаларини топиш талаб этиладиган бўлса;

қарз олувчининг жорий молиявий ҳолати ёки унинг пул маблағларининг мўлжалланаётган оқими мажбуриятларни қоплаш учун етарли бўлмаса;

қарз олувчининг капитали етарли даражада бўлмаса;

қарздорнинг 2-сон картотекасида 31 кундан ортиқ, лекин 90 кундан ошмаган муддатга кечиктирилган тўлов ҳужжатлари мавжуд бўлса (фаолияти мавсумий хусусиятга эга қарздорлар бундан мустасно);

ушбу соҳага нисбатан тенденция ва истиқболлар барқарор бўлмаса;

таъминот қиймати асосий қарз суммасидан ошмаган, ҳеч бўлмаганда асосий қарзнинг тўланмаган суммасига тенг бўлса (ишончли (эътимодли) активлар бундан мустасно);

ишончли (эътимодли) активлар бўйича асосий қарз ва фоизлар бўйича 31 кундан ортиқ, лекин 90 кундан ошмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

таъминланган активлар бўйича асосий қарз ва фоизлар бўйича 91 кундан ортиқ, лекин 120 кундан ошмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса.».

7. 17-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қарздорнинг 2-сон картотекасида 91 кундан ортиқ, лекин 180 кундан ошмаган муддатга кечиктирилган тўлов ҳужжатлари мавжуд бўлса (фаолияти мавсумий хусусиятга эга қарздорлар бундан мустасно);»;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«ишончли (эътимодли) активлар бўйича асосий қарз ва фоизлар бўйича 91 кундан ортиқ, лекин 180 кундан ошмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

таъминланган активлар бўйича асосий қарз ва фоизлар бўйича 121 кундан ортиқ, лекин 180 кундан ошмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса.».

8. 20-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«қарздорнинг 2-сон картотекасида муддати 180 кунга кечиктирилган тўлов ҳужжатлари мавжуд бўлса;».

9. Қуйидаги мазмундаги 21¹ — 21³-бандлар билан тўлдирилсин:

«21¹. Агар икки йилдан ортиқ муддатга ажратилган активлар бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш графика асосан охириги олти ойга белгиланган бўлса ёки шартномада активларни қайтариш графиги бўлмаса, бундай активлар сифатининг таснифи бир тоифага пасайтирилиши лозим.

21². Республика ҳудудидаги банкларга жойлаштирилган активлар (вакиллик ҳисобварақлари, банклараро депозитлар ва кредитлар) сифати қуйидагича таснифланади:

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати 10 кунгача кечиктирилганда — «қониқарсиз»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати 11 кундан 30 кунгача кечиктирилганда — «шубҳали»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати 31 кундан кечиктирилганда, шунингдек актив жойлаштирилган банкнинг лицензияси чақириб олинган ёки бошқа тартибда уни тугатиш ишлари бошланганда — «умидсиз».

Бунда актив жойлаштирилган банкларнинг молиявий кўрсаткичлари ҳамда Марказий банк томонидан ўрнатилган нормативларнинг бажарилиши мунтазам ўрганиб борилади.

21³. Республика ҳудудидан ташқаридаги банкларга жойлаштирилган активлар (вакиллик ҳисобварақлари, банклараро депозитлар ва кредитлар) сифати қуйидагича таснифланади:

активлар жойлаштирилган банк «Standard & Poor's», «Fitch Ratings» ва «Moody's Investors Service» рейтинг компанияларининг инвестицион рейтинг баҳоларига ёки Марказий банк томонидан тан олинадиган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу баҳоларга тенг бўлган рейтинг баҳоларига эга бўлганда — «стандарт»;

активлар жойлаштирилган банк «Standard & Poor's», «Fitch Ratings» ва «Moody's Investors Service» рейтинг компанияларининг инвестицион рейтинг баҳоларидан ёки Марказий банк томонидан тан олинадиган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу баҳолардан паст рейтинг баҳосига эга бўлганда, шунингдек ушбу банкларнинг рейтинг баҳолари инвестицион рейтинг баҳоларидан пасайтирилганда — «субстандарт»;

активларнинг асосий қарз ва (ёки) фоизлари бўйича муддати ўтган қарздорликлар мавжуд бўлганда — «умидсиз».

Бунда актив жойлаштирилган банкларнинг молиявий кўрсаткичлари ҳамда рейтинг баҳолари мунтазам ўрганиб борилади.

Активлар жойлаштирилган банк икки ёки ундан кўп рейтинг компанияларининг баҳоларига эга бўлганда, ҳисоб-китобларда энг паст рейтинг баҳоси ҳисобга олинади.».

10. 26-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар гарови, шунингдек бу мамлакатлар ҳукуматларининг кафолати;

Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки гуруҳи (Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия коорпорацияси, Халқаро инвестицияларни кафолатлаш агентлиги, Халқаро тараққиёт ассоциацияси) ҳамда Осиё тараққиёт банки, Осиё инфраструктура инвестиция банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, Европа инвестиция жамғармаси, Ислон тараққиёт банки ҳамда Европа Кенгашининг тараққиёт банклари кафолати;»;

олтинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбошидаги «гаров» деган сўз «закалат» деган сўз билан алмаштирилсин.

11. Қуйидаги мазмундаги 30¹ — 30³-бандлар билан тўлдирилсин:

«30¹. Шартномада белгиланган охириги муддати ўзгартирилмаган ҳолда, асосий қарз ва (ёки) фоизлар бўйича оралиқ тўловларнинг муддатлари бир марта қайта кўриб чиқилган активларнинг сифати «қониқарсиз» деб таснифланади.

Мазкур активларнинг муддати қайта кўриб чиқилгандан кейин қайтариш графигига асосан камида кетма-кет 3 та тўлов тўлиқ ва ўз вақтида тўланган тақдирда, уларнинг сифати «субстандарт» деб таснифланиши мумкин.

Бунда активларни қайтариш графиги бўйича тўлов бошланган ойдан шартноманинг охириги муддатига қадар ҳар ойда тенг (пропорционал) тўловлар асосида қайтарилиши белгиланган тақдирда кетма-кет 3 та тўлов, акс ҳолда шу миқдорга тенг 3 тадан кўпроқ тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши лозим.

30². Қуйида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлса, шартлари қайта кўриб чиқилган активларнинг сифати «шубҳали» деб таснифланади:

мазкур низомнинг 28-банди иккинчи, учинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда;

шартноманинг охириги муддати бир марта узайтирилганда.

30³. Шартлари қайта кўриб чиқилгандан кейин асосий қарз ва (ёки) фоиз тўловлари ўз вақтида ва тўлиқ тўланмаган активлар сифати «умидсиз» деб таснифланади.».

12. 31-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Янги қарздор томонидан асосий қарз ва фоизларнинг тўланмаган барча суммалари қопланиб, активни қайтариш графиги бўйича кетма-кетликдаги кейинги 3 та тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида тўланса, муаммоли активлар сифатининг таснифи тегишли тарзда қайта кўриб чиқилиши мумкин.».

13. 33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Активлар сифати уларнинг шартлари қайта кўриб чиқилишидан

олдинги таснифланган тоифадан юқори ёки яхшироқ тоифада таснифланиши мумкин эмас (маскур низомнинг 30¹-банди иккинчи ва учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

Ҳеч қандай ҳолатда активга унинг шартлари қайта кўриб чиқилгандан сўнг дарҳол «стандарт» тоифани бериш мумкин эмас.

Актив икки ва ундан ортиқ марта шартлари қайта кўриб чиқилганда, актив сифатини таснифлаш тоифаси шартлари қайта кўриб чиқилишидан олдинги тоифасидан бир поғонага паст бўлиши керак.».

14. Қуйидаги мазмундаги 4¹-боб билан тўлдирилсин:

«4¹-боб. Берилган банк кафолатларининг сифатини таснифлаш

33¹. Тижорат банклари томонидан берилган кафолатлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захира миқдори принципалнинг молиявий аҳволи, кредит тарихи ва принципал фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт тармоғи ҳолатини ҳисобга олган ҳолда унинг кредитга лаёқатлилигидан келиб чиқиб белгиланади.

33². Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда, банк кафолатининг сифати «стандарт» деб таснифланади:

принципал молиявий жиҳатдан барқарор;

принципал юқори даромадлилик даражасига эга;

барча молиявий мажбуриятларини ўз муддатида бажаришига шубҳа туғдирмайдиган, шу жумладан кафолат бўйича қарзини қондириш учун етарли пул маблағлари оқимига эга;

тижорат ишларини ривожлантириш ҳамда молия ресурсларини эркин жалб қилиш имкониятлари мавжуд;

фаолияти чекланган таъминотчи ҳамда истеъмолчиларга боғлиқ бўлмаган;

тақдим этилаётган таъминотга доир барча ҳужжатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган;

кредит ёки бошқа қарзлари бўйича тўловлар ўз вақтида амалга оширилган.

33³. Қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлганда, банк кафолатининг сифати «субстандарт» деб таснифланади:

умумий молиявий аҳволи барқарор ҳисобланган, лекин фаолиятида айрим иқтисодий салбий ҳолатлар мавжуд бўлган, уларнинг бартараф этилмаслиги принципалнинг мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслик ҳолатини вужудга келтириш хавфининг мавжудлиги;

даромадлари ёки пул маблағлари оқимининг пасайиш тенденцияси мавжудлиги.

33⁴. Қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлганда, банк кафолатининг сифати «қониқарсиз» деб таснифланади:

молиявий аҳволининг жиддий ёмонлашувига сабаб бўлувчи ҳолатларнинг мавжудлиги;

даромадлари ёки пул маблағлари оқимининг охирги чоракка нисбатан 50 фоизга камайганлиги (фаолияти мавсумий хусусиятга эга қарздорлар бундан мустасно);

охирги ҳисобот ойдаги мавжуд барча муддати келган мажбуриятларни, шунингдек кафолат суммасини ушбу ой давомида келиб тушган пул маблағлари ҳисобидан қоплаш имкониятига эга эмаслиги.

33⁵. Қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлганда, банк кафолатининг сифати «шубҳали» деб таснифланади:

мазкур Низомнинг 33⁴-бандида назарда тутилган ҳолатлардан бирининг оғирлашганлиги;

охирги беш йилда салбий кредит тарихига эга эканлиги, яъни тўловларни ўз вақтида амалга оширмаганлиги.

33⁶. Қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлганда, банк кафолатининг сифати «умидсиз» деб таснифланади:

берилган кафолат бўйича мажбуриятни банк томонидан бажариш ҳолатларининг юзага келиши;

кредит ёки бошқа қарзлари бўйича тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаганлиги;

талаб қилиб олингунча ҳисобварағига охирги чоракда тушум бўлмаганлиги (фаолияти мавсумий хусусиятга эга қарздорлар бундан мустасно);

молиявий фаолияти бўйича суд жараёнларининг олиб борилаётганлиги; банкротлик аломатларининг мавжудлиги.

33⁷. Банк кафолатлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга доир захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2364, 2012 йил 15 май) мувофиқ амалга оширилади.»

15. 34-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлганда, инвестициялар даромад келтирган ҳисобланади:

банкка дивиденд кўринишида даромад келтирганда;

банк томонидан қилинган инвестицияни қайта баҳолаш натижасида ижобий фарқ юзага келганда;

фонд биржасида котировкаси ошганда;

банк инвестиция киритган корхонанинг ташқи аудиторлик текширувидан ўтган молиявий ҳисоботига кўра ҳисобот даврини фойда билан якунлаганда.»

16. 35-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бундай инвестицияларнинг сифати энг паст тоифада таснифланиши керак.»

17. Қуйидаги мазмундаги 36¹-банд билан тўлдирилсин:

«36¹. Банк активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захираси шу актив валютасида шакллантирилиши лозим.»

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 21 апрелдан 27 апрелгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/21-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/22-сон «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/17-сон «Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2788-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/7-сон «Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2004-2.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/8-сон «Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3002.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 апрелдаги 78-сон «Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларда кўзда тутилган йиллик режалаштирилган даромадлар ва харажатлар ҳажмларини чораклар бўйича тақсимлаш, тузиш тадбирлари ва ташкилотларни молиялаштириш бўйича, бюджет ижроси жараёнида киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1025-3.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/9-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини текшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2209-2.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/14-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш) ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2217-2.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 16 апрелдаги 48-В-8-сон «Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида дилерлик вазифаларини бажаришга доир шартномалар тузиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 26 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 525-8.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/20-сон «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2696-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларда кўзда тутилган йиллик режалаштирилган

даромадлар ва харажатлар ҳажмларини чораклар бўйича тақсимлаш, тузиш тадбирлари ва ташкилотларни молиялаштириш бўйича, бюджет ижроси жараёнида киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1025, 2001 йил 12 апрель), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1025-1, 2002 йил 22 июль), (рўйхат рақами 1025-2, 2004 йил 20 октябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 25 апрелдаги 239-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.